Даволаш профилактика бирлашмалари қошидаги дорихона касалхонанинг даволаш профилактика бўлимларидан алоҳида жойлашган бўлиши керак. Баъзан ЛПУ касалхонанинг асосий биносига жойлашган бўлиши мумкин. Агар дорихона алоҳида бинога жойлашган бўлса унинг ертўллари бўлиши лозим. Дорихона касалхона бўлимларини кислород билан таъминлаши учун унда марказий кислород бўлими хонаси бўлиши лозим. Баъзи катта касалхоналарда ички хонадан иборат бўлган 40-50 м2 кам серияли таблеткалар ва ампулалар тайёрлаш учун мўлжалланган хоналар ажратилган бўлади.

ЛКУ да савдо зали йук. Унинг ўрнига кутиш зали мўлжалланган. Бу хонада касалхонанинг ҳар бир

бўлимидан келтирилган галаб ва илтимослар қондирилади. ЛПУ да асептик блоки катта хажмда мўлжалланган. (80-120 м²), чунки у ерда катта микдорда стерил моддалар тайёрланши мумкин. Лпу да провизор-аналитик учун алоҳида хона мўлжалланмаган.

Шуншг учун ассистентлар хонасида провизор-аналитик учун керакли асбоблар жойлаштирилган алоҳида стол ажратилади.

Даволаш-профилактика дорихонасида идишлар ювиш хоналари иккита бўлиб, провизор-навбатчи хонаси йук.

Дорихоналарни ободонлаштиришга қўйилган гигиеник талаблар.

Даволаш-профилактика бирлашмалари қошидаги дорихоналарга ҳам, хўжалик хисобида ишловчи дорихоналарга ҳам бир хил гигиеник талаблар қўйилган.

Инсоляция - қуёш нурлари оддий шиша деразалар орқали таъсир қилса ҳам, у бактерицид таъсирга эга. Шунинг учун дорихоналарнинг баъзи бир хоналарини қуёш нурлари таъсир қиладиган жойларга, томонларга жойлаштирилади. Шунинг назарда тутиш керакки, қуёш нурлари дорихонага кун давомида 2-3 соат давомидан кам бўлмаслиги керак.

Лекин идишларни ювиш хоналари, стерилизация-дистилляция хоналарини шимол томонга мўлжалланган бўлиши керак.

Ёритилиш. Дорихонанинг ёритилишига катта аҳамият берилади. Агар

т/-\тт\т,гтт

қ!

функциясига, кайфиятига, асаб фаолиятига яхши таъсир қилиши мумкин. Дорихонанинг ҳамма хоналари табиий ёруғлик билан таъминланган бўлиши лозим. Маълумки, хонанинг яхши ёритилиши хонадаги ойналар сонига, тоқчаларнинг кераксиз буюмлар билан банд бўлмаслигига, ойналарнинг тоза ювилганга боғлиқ.

Хона деворларининг бўялиши ҳам ёруғлик даражасига маълум микдорда таъсир этади. Хона қанча очиқ бўёқлар билан бўялган бўлса, шунча ёруғ бўлади. Оқ бўёқлар билан бўялган деворлар унга гушаётган нурни 80% ни, оч сарик ранг билан бўялган деворлар 50% ни, қўқ ранг билан бўялган деворлар 25%ни тарқатиши мумкин.

Ёритилаш коэффициенти ассистент, провизор-аналитик, асептик хоналарда ск 1:4, КЕО 2,5% бошқа хоналарда эса СК 1:6, 1:7, КЕО 1,5-0,5% бўлиши лозим. Тиббий ёритилиш коэффициенти, сунъий ёритилганлик ҳар томонга тенг ёйилган, етарли даражада ёритилган, ассистент, провизор-аналитик, тарқатувчи-жойловчи фасоввдик, провизор-технологнинг иш жойлари яхши ёритилган бўлиши керак. Сунъий ёритилганлик люминесцент лампалар ва чўғланма лампалар ёрдамида вужудга келтирилади. Ўзининг қулай, юмшоқ спектрал характеристикаси бўлгани учун люминесцент лампалар кўпроқ қулланилади.

Дорихонанинг ассистентлар хонасида иш жойларининг қоқ ўртасида жойлаштирилган люминесцент лампалардан кўпроқ фойдаланилади. Шу қоидаларга асептик хоналарининг, аналитик провизор хонасининг дориларни қадоқлаш ва дефектар хоналарининг ёритилишига риоя қилинади.

Дорихонанинг савдо залида бемор ва дорихонага келувчиларни эстетик дидларини хисобга олган ҳолда етарли даражада ёруғлик нури билан таъминланиши керак, люстралар, плафонларни ишлатиш мумкин.

Провизор технолог ва фармацевтларнинг иш жойларида умумий ёритилганликдан ташқари маҳаллий ёриткич асбоблари ўрнатиш лозим. Дорихоналарда идишларни ювиш хоналарида, туалетда, ювиниш хоналарида чўғланма, намга яхши чидамли қоплангичлари билан жиҳозланган лампалар ўрнатилади.

Дорихонада люминесцент лампалар билан чўғланма лампаларни бир хонада бирга ишлатишга маслаҳат берилмайди.

Вентиляция - ҳаво алмаштириш.

Дорихонада санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши режимларни, тартибларни вақтида қўллаш учун вентиляцияга қатъи аҳамият берилади. Агар вентиляция яхши, тўғри йўлга қўйилган бўлса, дорихонанинг хоналари ҳавосидаги зарарли моддаларни вақтида тозалаб туришга, уларни тоза ҳаво билан алмашилиб туришига имконият беради.

Дорихонада табиий вентиляция форточкалар, тирқишлар, фрамугаларнинг ёрдамида вужудга келтирилади. Айниқса, деворлар

ЧПЛТЛаТЧГЛГТТТ^аЦГ ТГОХТа ТТТТОГ\ Г\ГЛТ/"С1 ТТТЖ ТГаТТТТУТ/ГТТ Ъ-
Т/ГТТТ/ГХТИ ТТТДТ^ОЧ ~Г<Л13Г\иТЯ /""ЛПЛТ/ГТТТ

йўллари эффектив хисобланади.

Дорихоналарда ҳамма хоналарада табиий вентиляция бор булса ҳам, лекин ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган захарли моддаларни олиб чиқаришга етарли бўлмайди. Шунинг учун табиий вентиляция фақат административ-хўжалик хоналарида тўлиқ фойдаланилади.

Дорихона биноларида тоза хаво олиб кирувчи ва ифлос хавони чиқариб ташловчи приточно-втяжная вентиляция йулга қўйилади. У механик равишда ишга туширилади. Дорири чанглар концентрацияси ошган, кимёвий газсимон токсик моддаларнинг миқдори ошиб кетган ассистентлар хонасида умумий алмашинувга мулжалланган приточно-вытяжная вентиляция асбоблари ўрнатилади. Бунда хавони олиб киришдан кўра ифлос хаво кўпроқ сўриб олинади (+2 -3). Сўриб оладиган ва тоза хаво олиб кирадиган тешиклар хонанинг юқори қисмига ўрнатилади. Қадоқлаш хоналарига, дориларни очик дистилляция, кладовая, дефектар хоналарига ҳам юқоридаги вентиляция ўрнатилиди.

Лекин провизор-аналитик хонасига умумий приточно-вытяжная вентиляциядан ташқари, сургич вытяжной шкафи урнатилган булиши лозим.

Дорихонанинг ювиш хоналарида, дистилляция-стерилизация хоналарида хавонинг бир соатда алмашиниш сони (кратность воздухообмена) +3 -4. Бундан ташқари, дорихонанинг ювиш хонасида ювиш ванналари устига зонтга ухшаган сурип шкафи ўрнатилиши лозим.

Дорихонанинг савдо залида умумий приточно-вытяжная вентиляция ўрнатилган бўлиб, бу ерда хаво келишдан ифлос хаво сўрилиши устун бўлиши лозим.

Дорихонанинг асептик блокдаги вентиляция ўзига хос хусусиятга эга бўлиши лозим, яъни у шундай лойихаланиши керакки, бунда асептик хонадаги ислос хаво дахлизга ва коридорга чиқиб кетадиган булсин. Асептик хоналарида хаво хар соатда -2 +4 такрорий алмашиниб туриши лозим. Хаво узатиш шипдаги панел ва ён томондаги тиркишлар орқали вужудга келтирилиши лозим, сўриш тешиги эса асептик хонанинг паст қисмига жойлапган бўлиши керак. Асептик блока узатиладиган хаво олдин тозаланади, керакли филтрлар орқали узатилади.

Хаво тозалашнинг эффектив турларидан бири хавони конденционировани. бу пайтда дорихонада автоматик равишда ташкил қилинган микроиклимий шароитнинг сунъий равишда ташкил қилинган шакли вужудга келиши мумкин. (микроиклим).

Дорихонада шовкин ва вибрация-тебраниш мумкин кадар кам бўлиши учун асбоблар вибрацияни ютувчи алохида фундаментга урнатилган булиб, улар дорихонанинг ертўлаларига жошлаштирилган.

Дорихонанинг иситилиши. Дорихона ходимлари ўзларининг мураккаб

тза л^аг^сх/ттг/гатгттлг т/тттттогчлтт/г сг^ттг* л/гт/гхгглотдгггт/гл^т/гтл-тт'лг>т,гтгтга

лозим. Харорат 18-20°, намлик 40-60%, хаво харакат тезлиги 0,1-0,2 м/с. Дорихоналарнинг хоналари марказлаштирилган сувли иситилиш манбаларига эга бўлиши керак.

Дорихоналарда буғли иситиш системаларини ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки радиаторлар устидаги чанг куйиб ёкимсиз хид келади хоналарда иситилиш вақтлари ўзгариб, хоналар совуб қолиши мумкин в.х. Радиаторлар яхши ювиладиган ва устидаги чангларни тозалашга қулай бўлиши керак.

Хамма дорихоналар кайси категоридагилари бўлмасин хўжалик-водопроводи билан, иссик сув ва канализация билан таъминланган бўлиши керак. Агар юқоридаги инженерлик коммуникациялар бўлмаса сув манбаи сифатида артезиан сувлари ва қудуқларидан фойдаланиш мумкин. Агар дорихонада канализацияси бўлмаса қазилган қудуқдан фойдаланиш мумкин.

Полни хар куни сменада камида бир маротаба нам шароитида тозалаб туриш лозим, дорихонада супурги ишлатиш мумкин эмас. Хар гал тозалаш тамом бўлгандан кейин ишлатилган латталар алохида қайнатиб, тозалаб ювиб қўйиш лозим. 30 минут давомида қайнатиб, ювиш лозим. Тамбурда, яъни ахоли кирадиган эшик олдида резинадан ишланган гиламчалар солиб қўйилган бўлиб, улар хар куни дезинфекцияловчи эритмалар билан шимдирилган бўлиши керак (3%ли фенол эритмаси ёки 1%ли формалин эритмаси).

Дорихоналарда пардалар, гиламчалар, гуллар билан ясатиш мумкин эмас. Мебель ва технологик асбоблар тозалаш учун қулай холда жойлаштирилади. Дорихона металл плиткалар билан қопланган ёки ёғли бўёклар билан бўялган деворлари, деразаларини иссик совунли сув билан ювилади, шип, карнизлар, клейли бўёклар билан бўялган деворлари эса чангдан камида бир хафтада бир маротаба чанг сўргичи билан тозаланиб турилади. Шкафлар, айланма токчалар, витриналар, токчалар нам, тоза қайнатилган латталар билан артиб турилади.

Дорихона ходимлари тайёрланаётган дорилар билан уларни тайёрланиш процессида бўлиш ва уларни тарқатиш вақтида тўғридан-тўғри контакта бўлгани учун шахсий гигиена қоидаларига риоя

Дорихонага ишга қабул қилинадиган ҳамма шахслар медицина кўригидан ўтиши керак, кейин иш давомида ҳам вақти-вақти билан медицина контролидан ўтиши керак. Бунда ходимлар сил касаллиги аниқлаш учун рентгеноскопия ёки флюорография ўтишлари керак, тери венерик касалликларга, ичак касалликларни чақирувчи юқумли микроорганизмларга, гижжа касалларига таалуқли текширувлардан ўтадилар. Бу текшурвларни хар йили бир маротаба, эпидемик

тгтагчгчт-гттгагм^а ъ-аг\гл\г\ ^тлл хлп^тта А/гаппт^а^а л/тгтлгттттсллтлг

л/гл^л/ггттдги Каттт/гштта

Тезда толиқишни олдини олиш учун дорихонада смена давомида икки маротаба 5 минутдан, Биринчиси иш вақтидан 2-2,5 соатдан кейин, иккинчиси - иш вақти тамом, бўлишига 1,5 соат олдин жисмоний тарбия учун, 30 минутдан ошмаган вақт овқатланиш учун ажратилади. Хавони микроблар билан ифлосланмаганлигига катта аҳамият бериш керак: (микроблар сони - 3000^{+000} м³ дан ошмаслиги керак, икки оксидли углерод 0,1% дан, хавони оксидланиши 2-3мг/л дан ошмаслиги керак.

ДОРИХОНА ГИГИЕНАСИ

Дорихонада дори воситаларини таъёрлаш жараёнида санитария режими ва гигиеник нормаларини бузганда ишловчиларга ишлаб чиқариш муҳити ёмон таъсир курсатиши мумкин. уларга куйидагиларни киритиш мумкин: дори воситаларининг чанги, токсик газлар ва буглар. Микроблар шароитида шовкин, микроб таъсири ва бошқалар. Контроль аналитик лабораторияга куйилган гигиеник талаблар.

Кт/плттчтт/ф глат^рч^/лтлт^аттаг'^! ггачт^гчгчт ачо ттт/гтгтдтг ттоАглпо^гггчт^аттагч
аттг»^т/гтта

1.Юкори даражадаги дорихонада ахолини доривор моддалар билан таъминлаш

3. Дори ичида хосил булиши мумкин булган кжумли касалликларни олдини олиш;
Ходимларни ишлаш учун яхши шароит яратиш;

Аҳоли уртасида санитар ташвиқот ишларини олиб бориш;

күйидаги гурухларга булинади:

контроль аналитик лабораториялар.

кўйиладиган гигиеник талаблар:

34 м гектардан кам бўлмаслиги керак:

алохида курилайтган дорихоналар алохида ер майдонига эга булиши

керак, бунда биноларни куриш учун 15% ажратилади. 60% майдон кукаламзорлаштириш учун,

Дорихона учун мулжалланган майдон электр, иссиқлик, газ, водопровод, канализация билан боғланган. Агар бу коммуникация иншоотлари булмаса қазилган сув манбаалар метин исситиш қозони, ифлос чириндилар учун уралар булиши керак. Дорихона учун мулжалланган майдон табиий сувларни йиғмаслиги учун қияроққа жойлаштирилиши керак. Дорихона яхши шамол, ёруғлик тушувчи жойга мулжалланиши керак. Ифлосланмаган яхши филтрланадиган ер осги сувлари 1,5 м дан кам булмаган жойда жойлашган булиши керак. Хужалик ҳисобига ишлови дорихона аҳолини доривор моддалар билан таъминлайди ва керак буладиган жиҳозлар доривор хом-ашёлар тайёрлаш функциясини бажаради. Бу қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ишлаб чиқариш хоналари (савдо зали, ностерил дори тайёрловчи хона, ассистент хонаси, қадоклаш, провизор, аналитик хона, ювиш хонаси, асептик шароитли дори тайёрлаш хонаси стерилизация хонаси) қушимча хоналар (дори саклаш омбори, навбатчи провизор хона, врачдан олдин ёрдам қурсатиш хонаси);
- санитария гигиеник хоналар; Хужалик ҳисобига асосланган дорихоналар;
- даволаш профилактика бирлашмаларидаги дорихоналар;
- марказий туман дорихоналари;
- вилоят дори дармонда;
- аптека қуш ойнак магазинлари;

тозаланади. Бундан ташқари ҳафтасига бир марта дезинфекцияловчи эритмалар ёрдамида қайта ишланади. Девор, пол ва жиҳозларни 0,5-1% хлорамин эритмаси ёки 3% да водород пероксид билан артиш керак. Аналитик лабораторияларда анализлар ўтказиладиган хона булиши керак. Бу хона ёруғ, лекин қуёш тугридан -тугри қелувчи нурлардан ҳимояланган булиши керак. Корхонанинг ариентациясини шимолда булганлиги яхши. Табиий ёруғлик 1:6 коэффициентини, сунъий ёритишда 200-300 лк даги люминесцент лампалар ишлатилади. Аналитик лабораториялар марказлаштириладиган сув системаси, исситиш канализация ва қаттиқ чинкиндиларни ташловчи уралар билан таъминланган булиши лозим. санитария-гигиена режимини бузганда лабораторияда ишловчиларга яхши таъсирга булмаган факторлар таъсир этиш мумкин. Улардан аввало токсик химиявий моддалар билан алоқа, анализ қилиш вақтида қуздан қуриқиши, аларда бактерицид лампалар ўрнатилади

Мавзу: Мехнат гигиенаси ва саноат токсикология асослари.

Давом этиши: 2 соат

Мақсад: Мехнат гигиенаси ва саноат токсикологияси ҳақида қенгроқ талабаларга тушинтириш. Режа:

1. Мехнат гигиенасининг предмети ва вазифалари.
2. Толиқишнинг моҳияти ва профилактика қилиш чоралари.
3. Қасбга доир зарарлар ва қасбга доир қасалликлар.
4. Айрим органлар зўриқиб ишлаганда тана вазияти билан боғлиқ бўлган қасб қасалликлари.
5. Корхона микроқлимнинг гигиеник таърифи.
6. Ишлаб чиқариш қанғи, унинг организмга таъсири, унга қарши қураш.
7. Саноат қарларининг организмга таъсири ва уларга қарши қураш чоралари.

Адабиётлар:

А.М.Большаков, И.М.Новикова. Умумий гигиена

А.А.Минх .Умумий гигиена

И.М.Новикова. Умумий гигиена

1. Мехнат гигиенасининг предмети ва вазифалари.

Мехнат гигиенаси - гигиенанинг мехнат процесслари ва атрофдаги ишлаб чиқариш муҳитининг ишчилар соғлиғига таъсирини ўрганадиган ва қулай ҳамда соғлом мехнат шароитлари, юқсак иш қобилияти, қасбга доир қасалликлар ва одамнинг мехнат фаолияти билан боғлиқ бошқа зарарли омилларнинг олдини олишни таъминлайдиган гигиеник нормативлар ва санитария тадбирларини ишлаб чиқадиган бўлимади. Икки хил тушунча - иш ва мехнат фарқ қилинади. Иш деганда турли хил мушак фаолияти: югуриш, қўмилиш ва шунга ўхшашлар тушунилади, мехнат эса, К.Маркснинг

таъбири билан айтганда, ишчи кучининг истеъмол қиймат яратадиган конкрет фойдали меҳнатни бажаришга сарфланишидан иборат. Меҳнат жараёнига баҳо беришда аввало меҳнатнинг мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиш зарур. В.И.Ленин меҳнатга соғлом организмнинг эҳтиёжи сифатида қараш керак, деган эди. Шунинг учун меҳнатни зарарли ҳодиса деб бўлмайди. У организмда биологик процессларнинг нормал кечиши, шунингдек, одамнинг социал функцияларни адо этиши учун зарур. Бироқ меҳнат фаолияти қулай социал ва физиологик-гигиеник шароитларида кечга тақдирдагина у ижобий таъсир кўрсатади.

Эксплуатацияга асосланган капиталистик жамиятда оғир шароитларда бажариладиган қийин жисмоний меҳнат инсон учун ғам-ғуссага айланиб, касалликлар ва инвалидликка сабабчи бўлади. Эксплуататорларча мажбуран меҳнат қилиш тугатилган социалистик давлатларда меҳнат кишининг фахрли бурчига айланган. Социалистик жамиятда илмий-техника тараққиёти коммунизм қуриш учун моддий база ҳисобланиди, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, аҳолининг фаровонлигини ошириш ва соғлигини мустаҳкамлашни таъминлайди. СССР да гигиеник меҳнат шароитларини янада яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар кўзда тутилмоқда; иш кунининг қискартирилиши билан бирга зарарли шароитларда ишлайдиганлар учун отпускарлар

давомлилигини узайтирилмоқда. Технологик жараёни йўл қўядиган корхоналарда тунги сменаларни тугатиш мўлжалланмоқда. КПСС XXVII съездининг қарорларида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ишлаб чиқаришни техник жихатдан қайта қурулантириш, меҳнат шароитларини яхшилашга ва унинг унумдорлигини оширишга имкон берадиган машиналар ва ускуналар яратиш ва ишлаб чиқаришни изчиллик билан амалга ошириш зарурлиги қайд қилиб ўтилади.

Бу имкониятларни рўёбга чиқариш ўз навбатида меҳнат гигиенаси олдида саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида қулай ва хавфсиз шароитлар яратиш йўлида янги вазифалар қўяди. Бу ақлий ва мушак ишида психофизиологик мезонларини аниқлашган токсинли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган концентрациясини турли физик омиллар таъсирини хавфсиз параметрларини асослаш.

2. Толиқишнинг моҳияти ва профилактика қилиш чоралари.

Толиқиш - организмнинг алоҳида физиологик ҳолати бўлиб, узоқ вақт ёки зўр бериб ишлаш натижасида пайдо бўлади ва иш қобилиятининг пасайиши билан ифодаланади. Об'ектив жихатидан ёмонлашувида ва миқдорий камайишида юзага чиқади. Суб'ектив жихатидан толиқиш одамнинг чарчоқ ҳис қилиши билан ифодаланади. У қатор физиологик (диққат функциясининг ёмонлашуви, мушак чидамининг пасайиши, иш бажариш билан боғлиқ процесслар координациясининг бузилиши) ва биохимиявий (қонда қанд миқдорининг пасайиши, сут кислота даражасининг ошиши ва бошқалар) кўрсаткичлар бўйича аниқланади.

Толиқишнинг табиатини тушунтириб берадиган қатор назариялар мавжуд. Бироқ тадқиқотлар бу назариянинг асоссиз эканини кўрсатди, чунки толиқиш энергетик ресурслар (гликоген) тугамасдан олдин ҳам юз бериши мумкин. Бошқа назария тарафдорлари (Вейхард ва бошқалар) толиқишни организмда "толиқиш захарлари" ҳосил бўлиши билан тушунтирганлар. Бу назария ҳам нотўғри бўлиб чиқди, чунки интоксикация ҳодисалари толиқмаган мушак экстракти юборилган ҳайвонларда ҳам пайдо бўлган. И.М.Сеченов биринчи марта толиқишнинг ҳис қилиш манбаи марказий нерв системасидагина бўлади, деган ғояни баён қилди. И.П.Павлов толиқишнинг асосий сабаби МНХ1 функционал ҳолатининг ўзгаришида - бош мия пўстлоғида деб ҳисоблади. Ишлаш натижасида бош мия пўстлоғида тарқалган тормозланиш процесеси вужудга келади, бу пустлоқ хужайраларини ҳолсизланишдан сақлаб туради. Бу назария шунингдек шу нобиллатига одамнинг эмоционал ҳолати таъсирини ҳам тушунтиради. (руҳлантирадиган суз, музикадан кийин, ишга кизидиш булганда ваз у қобиларда толиқишнинг бартараф булишиш). Томқиш, афтидан, бутун организм функционал ҳолатининг ўзгариши билан изохлалиб, бунда МНСдаги ўзгаришларинг роли етакчи ҳисобланади. Ута томиқиш учун бош оғричи, уйқусизимлик, гунақада булмаслиги, орзимас нарсаларда аччикланиш, хотиранинг сусайлиш, организм шдамининг пасайиб кетиши хос. Шу мунособат билан бизнинг мамлакатимизда иш куни ва иш ҳафтасини қискартириб бориш бўйича олиб борилаётган тадбиркорнинг аҳамияти ниҳоятда ката. Иш давлари билан улар уртасидаги танаффусларни навбатлашнинг оқилона системаси ҳам ката очимият касб этади. Харакатиши барвақт толиниб қилишга сабаб булишини унутмаслик курак. Шунинг учун бизнинг корхоналаримизда кулланиладиган поток методининг хусусияти иштириб турши ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришини автоматлаштириши ва механизациялаш ишлаб чиқариш хоналарини ободанлаштириш толиқишга қариши кураш соҳасидаги муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

3. Касбга доир зарарлар ва касбга доир касалликлар.

Касб - кор - одамнинг фаомиат тури булиб асосан унинг яшашни таъминлайди. Хар бир касбда яна

батафсил касб номини олган касблар булади: врач - лаборант, врач - рентгенолог ва бошқалар. Уларнинг меҳнат шароитлари турлича ва бинобарин, улар организмга таъсир қиладиган отроф - муҳит омиллари ҳам турлига булади. Шунинг учун касбий зарлари омилларни урганишда «батафсил касбни» асос қилиб олинади.

Касбга доир зарарлар - меҳнат жараёни ва ишлаб чиқариш муҳитининг олишлари бўлиб, улар ишловчиларнинг соғлиғига зарарли таъсир қурсатиши мумкин.

1. Меҳнатни нотутри ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган зарарлар : а) нерв системасини ортиқча зуриқиши; б) тананинг узок вақтгача бир вазиятда бўлиши; в) ҳаракат апарати ва айрим сезги органлари (қуриш, эшитиш) нинг ортиқча зуриқиши; г) нотутри меҳнат режими.

2. Ишлаб чиқариши жараёни билан боғлиқ бўлган зарарлар: а) Физик омиллар (ноқулай микроклим, атмосфера босимининг узғаришлари ва бошқалар); б) химиявий ва физик - химиявий омиллар (газлар, чанг, буглар); в) биологик омиллар (микроорганизмлар, гельминтларнинг тухумлари ва бошқалар)

3. Меҳнат шароитининг узи билан боғлиқ бўлган зарарлар. Улар спецификмас ва исталган корхонида учариши мумкин. Бунга вентиляция, ёритилиш, майдан, кубатура ва бошқаларнинг етарли эмаслиги қиради.

Ишловчилар организмга касбий зарарлар таъсири натижасида касбга доир касалликлар ривожланиши мумкин. Сабаби факат ёки асосан касб олишли бўлган касалликларга шундай ном берилган. Бу касалликлар организмда узига хос ва оғир бузилишлар келтириб чиқариб, улар меҳнатга лаёқатни ёқотиш ва улимга олиб қилиши мумкин. Бензол билан хроник интоксикацияда қон яратиш органларининг

зарарланиши; виброинструментлар билан ишлашда пайдо бўлган вибрацион касаллик; шахтёрларда упкада кварц чанги йигимиши натижасида учрайдиган силикоз шундай касалликларга мусол бўлелади. Бирок техника тараққиёти, корхоналарда меҳнат шароитларининг соғломлаштирилиши мунособати билан СССРда ишлаб чиқариш зарарларининг талайгина қисми бартараф этилган ва қупчина касалликлар тугатилган, айримлари қамдан - қам учрайдиган бўлиб қолган.

4. Айрим органлар зуриқиб ишлаганда тана вазияти билан боғлиқ бўлган касб касалликлари.

Касаллақларни бу группасига мжбурий, ноқулай ёки бир зайлдаш иш позаси келтириб чиқарган касб касалликлари қиради. Тик туриб ишлашда яссалликлик пайдо бўлиш эҳтимол. У қуринча юқчиларда, туқимачиларда, новвойларда ривожланади. Иш стажи оқган сайин саси шакли ва вазиятининг узғариш, оғрик пайдо бўлиш, қон ойланиши бузилиши ва тез қарчаб қомин билан ифодоланади. Ҳозири вақтда қуп меҳнат толаб қиладиган ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш туфайм бу касаллик қомрок учрайди.

Оғир юқларни қутариш ва ташишда, гавдани мажбуран эғишда (станокчилар, харфтерувчилар, сартарошлар) умуртка поғонасига тушадиган қатта нағрузқолар умуртка поғонасининг турли хил қийшайшини - қифоз, скоилозни, ёшида тик турилган позода жисмоний меҳнат билан доимо мутулланиш айёлларда қанок деформациясига сабаб бўлиши мумкин. Бундан иш учун оёқ веноларининг варекоз қенгашиш қуранишлар қарактерли, бу тромбофлебит, бузилишлар билан утиши мумкин.

Талайгина жисмоний қаракатлар билан бақариладиган тик туриб ишлаш қорин ичидаги босимни оширади ва қурра ривожланишига (қов, қори қурралари) сабаб бўлиши эҳтимол. Аёлларда қийнинг пастга силжйши ва қикиб

қолиши, бақадан вазиятининг узғариши қузайнилиши мумкин.

Утириб бақариладиган иш бирмунча қулай, бирок у ҳам айрим бузилишларни келтириб чиқариши мумкин. Аввало орқадаги турли хил мушак группаларига нағрузқанинг бир меъёрда тушмаслиги оқибатида, қеворларда, машиначиларда, қузаётиладиган умуртда поғонасининг қийшишени (сколиоз, қифоз) қурсатиб утиш уринмедир. Қуқрак қасасининг ичига бошими қабн скилетнинг бундай узғариши ақсарият утириб ишлаш скилетнинг суяқланиш даври тугамасдан бошландиган қолларда учрайди. Уюқ вақтгача утириб ишлаш қолинтлар, хроник қабзиятлар қуринишидаги қазмнинг бизилишига, бавосл қуринишидаги қазмнинг бизилишига, бавосин ривожланишига сабаб бўлини мумкин. Қичик қанок органларидаги қон оимланишини қодисалари оқибонида аёлларда авариялхайз қуриш қикли бизилиши эҳтимол.

Узоқ вақт ниёқ туриб ишлаш билан боғлиқ бўлган бизимишларнинг олдини олиш учун; ишлай чиқаришни меҳонизациялаш, тик турий ишлайни утериб ишлаш билан олиштириш (қунки бизнинг зарари қамрок) зарур. Мушак зуриқишини қамайтирадиган ва умуртқанинг қийшашишга йул қуймайдиган қулай иш мебилидан фойдаланиш мақсадга муъюфик. Мақсус танланган жисмоний машқлардан фойдаланиб, микропаузалар жорий қилиш таъсирган тадбир ҳисобланади.

Дастлабки медицина курикларида веналарининг кенгай иши бошланаётган кишилар аниклангинда уларни уюк вақт тик туриб бажарадиган мига куймаслик профилактик тадбирлар каторига киради. Уюк вақт утириб ишлашда профилактик тадбирлар иш мебелининг кулай булишга каратилиши лозим. Кон айланишини яхшилайдиган ва ишга харакат килаётган мушак группаларни тортадиган тугри танланган жисмоний машклар яхши фойда беради. Иш кунинг картариш огир юксларни, ташиш ва машинада олиб боришда йул

куйиладиган массани чегоралаш мухим профилактик тадбир хисобланади.

Баъзи бир меҳнат жараёнарида айрим мушак группалари ва органлар зуриниб ишлайди, бу эса баъзан касбга доир координатор нервозлар ривожланишга олиб келади. Улар машинисткорлар, скрипкониларда кузатимиши мумкин. Касаллик одам тусига кирган касбий харакатларнинг бузилишидан иборат.

Оёкларнинг координатор нервозлари

велосипедчиларда лаб ва тилнинг йиришиб домиши эса духовой асбобларни чаладиган мусикачиларда, ишшапуфловчилар нафас органлари ва товуш бойламларининг таранг лошуви касбга алокадор улка эмфиземисини келтириб чиқариши мумкин. Педоголар ва кушидчиларда хроник ларингитлар пайдо булиш эҳтимол.

Жуда майда деталларни фарк килиши булан буглик булган шуларда, айникса еритимиш ётарлича булмаганда сузюзур келади, бу касбга доир уюкни яхши куралмасликка (соатсозлар, заргарлар, матбаачилар) олиб келиш мумкин. Касалликни профилактика килиш учу ниш юзасининг юрийшимишига ётган деталь уртасидаги масофага (35 смда кам эмас) риоя килиш, узокни яхши кураолмадиган шахларни кузга зур келадиган ишлари куйшини чегаралаш зарур.

5. Корхона микроклимининг гигиеник таърифи.

Ишлаб чиқариш хоналарининг микроклимий технологик жараёнининг хусусиятлари, машиналар ва агрегатларнинг ишлаши, иш бажариладиган муҳитнинг табиий хоссалари, шунингдек, мавсумий об-хаво шароитлари билан белгиланади.

ишлаб чиқариш хоналари (цехлар) микроклимий шароитларига кўра шартли равишда температураси совук, мўтадил ва иссиқ хоналарга бўлинади.

Совук хоналарда (цехларда) хаво температураси сунъий равишда совутилади. Холодильниклар, эливатормлар, омборхоналарда ишлар паст олиб борилади.

Технологик жараёнларида соатига 0,08 кЖ/м³ ва бундан кўп миқдорда иссиқлик ажраладиган ишлаб чиқариш хоналари иссиқ хоналар дейилади. Уларга мартен, прокат, куёв цехлари, новвойлар цехлари ва бошқалар киради.

Технологик жараён кўп миқдорда иссиқлик ажралади билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш хоналарида микроклим жойнинг иқлимига боғлиқ.

Технологик жараён ишлаб чиқариш хоналаридаги хавонинг намлигига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бўйайдиган ва ювадиган аппаратлар, гальваник: ванналар хаво намлигини оширадиган манбалар хисобланади. Бундай холларда хаво намлиги 80-90% гача етиши мумкин.

Ишлаб чиқариш хоналарида намликнинг пастлигига (20-25%) камроқ дуч келинади. Бундай хаво юқори нафас йўлларидаги шиллиқ пардаларнинг куришига сабаб бўлади. Кўпинча иссиқ цехлардаги хавонинг юқори температураси жадал инфрақизил радиакция (иссиқлик радиакцияси) билан бирга учрайди.

Температурани талайгина тебранишлари, цехлардаги хавонинг намлиги ва харакатига қарамай организм ўз терморегуляцион аппаратининг мосланувчанлиги туфайли уларни енга олади. Бироқ унга ноқулай микроклим узок муддат таъсир қилганда организмнинг терморегуляцион қобилияти кифоя қилмай қолади, иссиқлик баланси бузилади, бу организм ҳолатида чуқур силжишларга олиб келади ва иссиқ уриши мумкин, бунда тана температураси 40-42°C гача кўтарилади ва талваса тутати. Юқори хаво температураси иссиқлик нурлиниши, жисмоний нагрузка билан бирга юрак-томирлар ва нафас системаларига, сув-туз ва витамин алмашинувига таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришда об-хаво шароитларининг ноқулай таъсирига қарши курашнинг асосий тадбирларига ишлаб чиқариш жараёнларини меҳнизациялаш ва автоматлаштириш кизиб кетадиган юзаларни теплоизоляция материаллар билан қоплаш йўли билан ишлаб чиқариш жихозларидан иссиқлик чиқаришни камайтирадиган сув пардалари, турли экранлар қўлланиш киради. Сув-туз алмашинуви бузилишларининг

профилактикасига мақсадга мувофиқ ичимлик режимини ташкил қилиш йўли билан эришилади: газли ичимлик сувига 0,3-0,5% натрий хлорид қўшилади. Шахсий профилактика чораларига мақсадга мувофиқ меҳнат ва дам олиш режимини рационал махсус кийим-бошлар ва пойафзал киради.

Иссиқлаб кетиш симптомлари бўлганда осойишта шароит таъминлаш баданни ҳўл сочик билан ишқалаб артиш, сув муолажалари, юрак дорилари ва бошқаларни қўллаш лозим.

Организмнинг совук қотишининг олдини олиш учун доимий иш жойларида нур билан маҳаллий иситиш, исиниб олиш хоналаридан фойдаланилади, кам иссиқлик ўказадиган материаллардан махсус кийим-бош, пойафзал, қўл-қоплар берилади.

6. Ишлаб чиқариш чанги, унинг организмга таъсири, унга қарши кураш чоралари.

Саноатда транспортда кишлоқ хўжалигида кўпинча иш турлари чанг ҳосил бўлиши ва ажралиши билан ўтади. Ҳаво дисперс муҳит, қаттиқ заррачалар эса дисперс фаза эканлигини назарда тутиб, чангни аэрозол деб аташ расм бўлган.

Ишлаб чиқаришдаги чангнинг ҳосил бўлиши, келиб чиқиши, заррачаларнинг ўлчами бўйича классификация қилинади.

Ҳосил бўлиш усулига кўра дизентеграция ва конденсация чанги фарқ қилади. Дизентеграция чанги қаттиқ емлар, жисмлар емирилганда (бурғилаш, майдалаш, куқунлаш), сочилувчан материалларни транспортировка ва упаковка қилишда, буюмларга механик ишлов беришда (силлиқлаш, пардозлаш, ...) пайдо бўлади.

Конденсация чанги ҳавода металллар ва металмасларнинг буғлари буғланганда ва кейин конденсацияланганда пайдо бўлади. (Электр пайвандлаш металлларнинг электр билан эритилганда ва бошқа технологик жараёнларда буғланиши)

Келиб чиқишига кўра органик, аорганик ва аралаш чанг фарқ қилинади. Бунда чанг зарарли таъсирининг

характери ва ифодаланганлиги унинг химиявий таъсирига боғлиқ.

Чанг заррачаларини ўлчами (дисперслиги) бўйича классификация қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Гигиена нуқтаи назаридан ўлчами 10 мкм дан кичик заррачалар энг зарарли, чунки улар аста-секин тушади, ёки мутлақо тушмайди ва узоқ вақтгача ҳавода муаллақ ҳолда қолади. Заррачаларнинг нафас йўлларида қанчалик ичкари кириши уларнинг катта-кичиклигига боғлиқ. Йирик заррачалар юқори нафас йўлларида тутиб қолади, майдалари эса тўғридан-тўғри альвеолаларга тушади.

Ишлаб чиқариш чангига гигиеник таъриф беришнинг муҳим элементларига мазкур конкрет шароитларида чангнинг химиявий таркиби ва миқдори киради. Чангда захарли моддаларнинг аралашмалари (мишъяк, қўрғошин, хром ва ...), шунингдек, таъсирлантирувчи ва аллергия таъсир кўрсатувчи моддалар бўлиши мумкин.

Чанг юқори нафас йўллариининг шиллиқ пардасига мунтазам таъсир қилганда

Мавзу

•* Кимё-фармация саноати

корхоналарида меҳнат гигиенаси ва меҳнат шароитини соғломлаштириш тадбирлари.

Антибиотиклар, витаминлар, гармонлар ишлаб чиқариш саноатида меҳнат гигиенаси ва соғломлаштириш тадбирлари.

Давом этиши: 2-соат

Кимё-фармацевтика корхоналарининг кўрсатилган хусусиятлари гигиена фани ва амалиёти олдига корхонада соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасида янги-янги ва мураккаб вазифаларни қўяди.

1. Кимё-фармация корхоналарида меҳнат гигиенаси.

2. Асосий технологик жараёнларнинг гигиеник ҳарактеристикаси .

3. Доривор моддаларни олиш жараёнлари.

4. Антибиотиклар ишлаб чиқаришда меҳнат гигиенаси.

: 1. А.М. Болшаков "Умумий гигиена "

2. С.С. Солихўжаев "Гигиена"

3. А.А. Миних "Умумий гигиена"

4. Э.Э. Саркисянс "Гигиена билан соғлиқни ташкил қилиш асослари"

Адабиётлар

Дорихоналарда тўғри ташкил этилган ва керакли. даражада йўлга қўйилган санитария-оқартув ишлари фақат аҳоли' ўртасида санитар, билимларни оширишга ёрдам берибгина қолмай, балки дорихона

ҳодимларининг ўзлари учун келажак ишларининг муваффақиятига замин яратади.

»

КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА КОРХОНАЛАРИДАГИ МЕХНАТ ГИГИЕНАСИ

"•••.. V

Кимё-фармацевтика саноати халқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан биридир. Унинг таркибига бир қатор корхоналар комплекси кириб, унда материалларга кимёвий усулларда ишлов бериш билан бир қаторда, доривор препаратларни биологик синтезлаш кенг қўлланади.

1990 йилдан бошлаб тиббиётга оид корхоналарга сил касаллиги, вирусий касалликлар, ўткир бактериял, юкунли; юрак-томир ва бошқа касалликларни олдини олиш ва сифатли даволаш мақсадида ўзимизда ишлаб чиқариладиган дори препаратлари, антибиотиклар, витамин ва гормонларга доир препаратларни қўллаб ишлаб чиқариш вазифаси юклатилди.

Замонавий кимё-фармацевтика корхоналари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унинг ривожланиш спецификасини белгилайди, жумладан чиқариладиган маҳсулотнинг кимёвий тозаллигини таъминлаш. Бундан ташқари мушак ичига гобориладиган, вена ичига қуйиладиган, тери остига "юборилиш учун мўлжалланган препаратларнинг тўлиқ стерилланганлигини таъминлаш - керак. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ЎзР фармокопия Давлат стандартлари талабларига мувофиқ келиши керак.

Кимё-фармацевтика корхоналарининг иккинчи ўзига * хос хусусияти, қўпгина доривор препаратларни ишлаб чиқариш ҳажмининг кичиклиги ҳисобланади, Кимё-фармацевтика корхоналарида фақат сульфаниламидлар, салицилатлар, барбитуратлар, анальгетиклар ва айримантибиотик, ҳамда силга қаршй воситалар катта миқдорларда ишлаб чиқилади.

Мазкур корхоналар учун хом-ашё ва бошқа ёрдамчи материалларни катта ҳажмларда сарфланиши характерлидир, чунки доривор воситаларни синтезлаш қўп босқичли ва мураккаблилиги, билан фракланади:

Нихоят, кимё-фармацевтика корхоналари доривор препаратларнинг номенклатураларини тез-тез алмашиниб туриши билан таърифланади. Корхонанинг мазкур хусусияти, ҳамда доривор: препаратларни ишлаб чиқариш ҳажмининг камлиги, - бу корхоналарда аралашган технологик схемаларни кенг қўллашга сабабчи бўлади ва бу йил давомида 2-3 ва ундан ортиқ дори турларини ишлаб чиқишга имкон беради. Бундан ташқари, мазкур соҳа бўйича ишлаб чиқариладиган моддалар тайёр дори шакллари олиш учун қайта ишловдан ўтказилиши керак.

Кимё-фармацевтика корхоналарининг кўрсатилган хусусиятлари гигиена фани ва амалиёти олдига корхонада соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасида янги-янги ва мураккаб вазифаларни қўяди.

КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА КОРХОНАЛАРИДАГИ АСОСИЙ ТЕХНОЛОШК ЖАРАЁНЛАРГА ГИГИЕНИК ТАЪРИФ

Кимё-фармацевтика саноатида бир нечта гуруҳ корхоналарни фарқлаш мумкин. Уларнинг ичида энг асосийлари, синтетик доривор, препаратларни тайёрловчи, антибиотикларни ишлаб чиқариш бўйича заводлар ва тайёр дори шакллари ва препаратларини ишлаб чиқариладиган заводлар ҳисобланади.

Синтетик дори воситаларини саноат асосида ишлаб чиқариш асосида органик синтезлашни кенг куламда қўллаш ётади ва бу мазкур корхоналари асосий кимё саноати корхоналарига яқинлаштиради. Антибиотикларни ишлаб чиқариш корхоналари алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Бу шу препаратларни олишдаги асосий технологик жараён биологик * синтез бўлганлиги билан боғлиқдир.

Галенли фармацевтик ва тайёр дори шакллари ишлаб чиқариш бўйича бўлган заводларнинг ўзига хос характерли хусусиятлари шундай иборатдир, улар катта миқдорлардаги турли хил доривор-воситаларни суяқ экстракт ва дамламалар, аминоларга солинадиган инъекция эритмалари, таблеткалар, дражелар, пластмассаларни қўринишида ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқаришидаги кимё-фармацевтика препаратлари турли хилдаги хом-ашё сифатида қўлланиб, улар ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари ва кимёвий синтез йўли билан олинади. Кимёвий хом-ашё энг кенг тарқалган маҳсулот тури ҳисобланади. Минерал хом-ашёлар аорганик тузлар, ҳамда турли органик бирикмаларни синтезлаш учун ингредиент сифатида қўлланади. Бу йўналишда минерал кислота ва ишқорлар катта миқдорларда ишлатилади. Бирламчи, органик хом-ашёни коксокимё, нефт-кимё, анилин бўёқли корхоналар ва асосий органик синтез корхоналари етказиб беради.

Дори препаратлари ишлаб чиқаришда ҳайвон маҳсулотлари кенг қўлланади, жумладан ҳайвонларнинг қонидан гистидин, буйрак усти безларидан - адреналин, ошқозон ости безидан - инсулин, қалқонсимон

безлардан - тиреодин ва б.к.

Дори «препаратларини олишдаги технологик операцияларнинг ҳамма . турларини тайёрлов, бевосита дори препаратларини олиш жараёни, якуний ва қўшимча операцияларга бўлиш мумкин. - Тайёрлов операциялари —қаттиқ, суюқ, газсимон материалларни сақлаш, уларни бошқа турга ўзгартриш: қаттиқ хом-ашёни майдалаш ва янчиш, қаттиқ моддаларни ажратиб олиш, уларни-тиндириш, филтрлаш, центрифугалаш, сову^иш, кристалларга айлантириш, вакуумлаш усуллари қўллаш орқали ишловдан ўтказиб, таркибидаги еув ва газлардан ҳоли қилинади. ', Доривор препаратларни бевосита олиш жараёнининг асосида алмашиниш, термик, электрохимий ишлов бериш, биологик жараёнлар, электролиз каби жараёнлар ётади. Технологик жараённинг мазкур босқичида сульфирлаш, нитрлаш ва галогенлаш, аминлаш" ва оксидлаш, қайталаниш ва оксидланиш реакциялари кенг қўлланади.

Якуний босқичда дори препаратлари қуриштириш, майдалаш ёки янчиш, таблетка ҳолига келтириш, ампулалаш ва идишларга жойлаш жараёнлардан ўтказилади.

Тайёрлов операциялари. Галенли ва синтетик доривор препаратларни олиш учун ишлатиладиган бирламчи хом-ашёларнинг кўп қисми қаттиқ ҳолда бўлади ва шунинг учун хом-ашё майдаланади ва янчқлади. Бу операцияни ўтказишнинг зарурияти шундаки, улардан асосан дори шакллари олиш (таблеткалар, дражелар ва б.к.) технологияси билан боғлиқдир. , Хом-ашёни майдалаш; ясси, валиксимон, конуссимон, болғачасимон ва бошқа майдалаш механизмларида амалга оширилади. Янчиш эса, шарсимон ва" чинили тегирмончалар, дезинтеграторлар ёрдамида бажарилади. Кичик ҳажмдаги дори маҳсулотлари механик қайишли ховончалар, Исламгулов тегирмони, «Эксцельсиор» " каби механизмлар ёрдамида янчилади.

Бирламчи • хом-ашёларни ма^далаш, янчиш ва таркибий қисмларга ажратишдаги касбий зарарлар чанг, интенсив шовкин ва умумий тебраниш ҳисобланади. Чангдар бирламчи хом-ашёларни тушириш, уларни майдалаш ва янчиш ва майдаланган ' • янчилган маҳсулотларни чиқиш жойларида кузатилади. Гигиена , нуктаи-назаридан материалларни фракцияларга .(таркибий қисмларга бўлиш) ажратиш >нг номувофик операция ҳисобланадй. Унда қўлландиган ҳаво сепараторлари ва механик элақлар чангларни ажралишида асосий манба бўлиб хизмат қилади. Кичик ҳажмли доривор препаратларни ишлаб чиқаришда (мас., гармонал препаратлар) ' маҳсулоши элақдан, ўтказишда кўпинча қўлда ишқалашга тўғри келинади, бу ўз ўрнида чангнинг ажралиши ва ишчиларнинг -бадан терилари ва махсус кийимларининг ифлосланишига сабабчи бўлади.

, Чангнинг ажралишига қарши курашиш учун технологик жараёнлар ва жиҳозларни тўғри ташкил қилиш, чанг ҳосил бўладиган жойларни беркитиш билан чангланган- ҳавони аспирация қилиш керак.. Дори хом-ашёларини майдалаш ва янчиш механизмларида шовкин ва тебраниш даражаси рухсат этилган қийматлардан ортиб кетиши мумкин. ' Шунинг учун е бу механизмларни алоҳида ажратиладиган ишлаб чиқариш хоналарида жойлаштириш, жиҳозларнинг остидаги фундаментлар бино конструкцияси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Шовкин ва тебранишга қарши тадбирлар қаторига бу, хоналарда шовкин ютувчи ва тебранишни сўндирувчи мосламаларни ўрнатишни киритиш мумкин. Хом-ашёларни майдалаш ва янчиш механизмларини масофа орқали бошқариш мақсадга мувофиқдир.

Тайёрлов босқичида ишлаб чиқариш зоналари ҳавосининг ифлосланиш даражасига бирламчи компонентларни тарнспортировка қилиш жараёни сезиларли таъсиркўрсатади. Бу коммуникация иншоотларига катта ҳажмдаги юкламаларни тушиши, хом-ашёвий моддаларни бир жойдан йккинчи жойга ўтказиш механизмлари ва жиҳозларининг мавжудлиги, механизм ва жиҳозларнинг герметик зичланмаслиги ва ҳаво сўриш механизмларининг самарали ишламаслиги билан боғлиқдир. '

Дори билишдаги хом-ашёларни таяспортировка қилишда ишчилар фақат буғ ва газлар билангина алоқада бўлмай, балки суюқ ва тўкилувчи-сочилувчи зарарли моддалар билан ҳам алоқада бўлади. Айрим ҳолларда маҳсулотларни қўлда ортиш, туширишга тўғри келади (мас., ўсимликларга доир хом-ашёлар).

Суюқ моддаларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш трубопроводлар орқали насослар, ҳаво босим ёки еикилган буғ ёрдамида, суюқликларнинг оқими ва вакуум ҳисобига амалга оширилади. Газсимон моддаларни таспортировка қилишда сиқиш ва вакуумдан.ч фойдаланилади. Бирламчи * маҳсулотни сиқилган ҳаво ёрдамида узатиш коммуникация тармоғида босимни ошириш билан боғлиқ ^бўлиб, узатувчи трубалар, аппаратлар ва уларни сақлаш идишларидаги носозликлар (герметик ёпилмаслик) туфайли зарарли буғ ва газларнинг ажралишига сабабчи бўлиши мумкин. Алоҳида таъкидлаш

лозимки, гигиена нуқтаи-назаридан суюқ маҳсулотларни насослар ёрдамида транспортировка қилиш, ҳаво муҳдтини кимёвий моддалар билан ифлосланишга олиб келувчи қўшимча 6*мил ҳисобланади. Шувинг учун суюқ маҳсулотларни ўз оқими ёки вакуум ёрдамида транспортировка қилиш энг мувофиқ усулдир. Бу жараёнларга бўлган асосий гигиеник талаблар қаторига трубопроводларнинг мустаҳкамлиги, трубаларнинг уланиш оралиғига қўйиладиган прокладкаларга суюқлик таъсирига чидамлилиги, сальникли насослари сальниксиз насослар; билан алмаштириш кабиларни киритиш мумкин.

Қаттиқ ҳолдаги дори хом-ашёларийи хом-ташё омборхоналаридан тайёрлов цехларига узатиш (ўсимликларга доир. маҳсулотлар, органик ва минерал моддалар), бир турдаги жиҳоздан иккинчи жиҳозга ўтказиш лентасимон транспортёрлар, элеваторлар, шнекли ҳимда пневматик ва гидравлик системалар орқали амалга оширилади. Хом ашёларни транспортировка қилиш усуллари моддаларнинг агрегат ҳолати, захарлилиги, корхонанинг характериға қараб белгиланади.

Мазкур технологик жараёнларга гигиеник- баҳо- берилар экан, маҳсулотларни лентасимон транспортёрлар ва шнеклар орқали узатиш катта миқдордаги чангларни ажралиши билан боғлиқдир, Гигиена нуқтаи-назардан қуруқ бирламчи маҳсулотларни пневмотранспортёрлар ёрдамида узатиш энг такомиллашган усул ҳисобланади.

Доривор моддаларни бевосита олиш жараёни, Доривор препаратларни мазкур технологик босқичда олиш, - технологик жараёнлар ва операцияларнинг ҳилма-ҳиллиги, қўлланидиган жиҳозлар. ва кимёвий моддаларнинг турли-туманлиғи билан таърифланади. Доривор моддалар ва ярим маҳсулотларни саноат асосида синтезлашда, ароматик бирикмалар ядросидаги водород атомларини у ёки бу гуруҳ атошари ёрдамида қўзғотиш, органик бирикма молекуласида содир бўлган ўзгарган бирикмага янги хусусиятларни бериш ва ниҳоят молекуланинг углеродли таркибни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган реакцияларнинг солиштирма оғирлиги сезиларли даражада юқоридир. Бу нитролаш, сульфурлаш, галогенлаш, қайтарилиш, алкиллаш ва б.к. реакцияларидар. Мазкур жараёнлар турли туркумдаги реакторларда амалга оширилади ва уларнинг номлари. у ерда ўтказиладиган реакцияларнинг номлари билан аталади (хлоратор, нитратор, сульфатор ва б.к.

Реакторлар оширилган, нормал ёки сийраклаштирилган атмосфера босимлари шароитида ишлашлари мумкин. Улар вақти-вақти билан ва узлуксиз ишлаш хусусиятиға эға. Бу реакторлар пўлатли, чўянли.

ёки қўрғошили идишлар бўлиб, махсус аралаштиргичлар, қиздирувчи ёки совутувчи мосламалар билан жиҳозланган. Реакторда кетадиган жараёнларға боғлиқ долда турли туркумдаги аралаштиргичларни қўллаш мумкин: парракли, винтсимон, ромли, лангарли ва х.к,

Реактор бўлимидаги кимёвий моддалар асосий зарарли омил ҳисобланади. Реакторлардан ажраладиган захарли моддаларнинг ажралиш жойлари аралаштиргичларнинг сальниклари, реакторға маҳсулотларни солиш ва чиқариш тешиклари, ўлчов ойнакчаси, кузатиш ойнакчалари, фланцли бирлаштириш жойлари бўлиши мумкин. Бунда йшчи зонаси ҳавоси таркибида бўладиган; зарарли моддаларнинг таркиби ва даражаси қўлланаётган жиҳозларнинг такомиллаштирилганлиғи, . олинадиган тайёр дори. препаратлари ёки ярим маҳсулотларнинг туриға, асбоблардан фойдаланиш тартиби ва бошқа омилларға боғлиқ. Номувофиқ, гигиеник вазиятларнинг келиб чиқиш қўлда бажариладиган операцияларға боғлиқ бўлади, масалан реактордаги суюқликнинг миқдорини ўлчаш, намуналар олиш каби. Аппаратларни вакуумли жараёнға ўтказиш, аралаштиргич двигателлари экранлаштирилган ёпиқ реакторни. қўллаш, ҳамда уларнинг ишини автоматик ҳолда назорат қилиш усуллари қўллаш хоналардаги ишчи зона ҳавосиға ажраладиган зарарли моддаларни сезиларли даражада камайтиради.

Бу- босқичда кимёвий компонентларни ажратиш жараёни катта иш ҳажмини эғаллайди. Бундай операцияларни ўтказиш учун асосий жиҳозлар ҳайдаш аппаратлари ва ретификацион мосламалар ҳисобланади. Мазкур жиҳозларға техник хизмат кўрсатиш ишчиларни зарарли кимёвий моддалар билан бўладиган алоқаси билан боғлиқдир, чунки коммунацион системалар, қопқоклар, жумраклар, намуна олиш жойлари орқали кимёвий моддаларнинг ажралиши ваҳаво муҳитиға ўтиши мумкин. Суспензияларни қаттиқ ва суюқ фазаға бўлиш учун филтрлаш ва. центрифугалаш жараёнлари кенг қўлланади Филтрлашни вақти-вақти ёки узлуксиз ишловчи филтрларда амалга оширилади. Вақти-вақти билан ишлайдиган филтрлар қаториға нутч-филтрлар, филтр-пресслар, листланган филтрлар, узлуксиз ишловчи филтрлар қаториға эса, барабанли, дисксимон ва лентасимон филтрларни киритиш-мумкин. Нутч филтрлар ва филтр-прессларнинг йшлашида ишчи зонаси ҳавосиға кўпинча захарли моддаларнинг ажралиши ҳолати кузатилади, бу ҳолат қўл меҳнати қўллаш ва қўллар, махсус кийимларнинг кимёвий моддалар билан жиддий ифлосланиши мумкинлиги

билан боғлиқдир. Гигиена нуқтаи-назаридан

барабайли филтрлар энг мувофиқ деб ҳисобланади, чунки улар герметик зичланишга эга ва ҳаво сўриш мосламалари билан таъминланган, . •

Доривор ярим маҳсулотларни тезда ажратиш учун вақти-вақти билан ёки узлуксиз ишлайдиган центрифугалар қўлланади. Вақт-вақти билан ишлайдиган центрифугалар кам такомиллашган ва бир қатор камчиликларга эга бўлиб, уларнинг энг асосийлари суюқляги сиқиб олинган материалларни ' узоклаштиришнинг ноқулайлиги, қўл меҳнатидан фойдаланиш, ишончли герметиклик билан таъминланмаганлиги ҳисобланади. Бу камчиликлар ишчи зонаси ҳавосига зарарли кимёвий моддаларнинг ажралошига ва бадан тўғрисидаги ифлосланишига сабабчи бўлади.

Гигиена нуқтаи-назаридан механизациялаштирилган ва ёпиқ филтрлар, маҳсулотларни центрифугага ўзи солувчи ва чиқарувчи филтрлар, барабанли-вакуум филтрлари ва автоматик филтр-пресслар ишончли ҳисобланади.

Ярим маҳсулотлар ва : тайёр дори воситаларининг асосий- қисми қурилишга учратилади. Бу жараён галенли, синтетик препаратлар, антибиотиклар, витаминлар , ва б.к. олиш учун зарурдир. Маҳсулот таркибидagi цамлик - механик тарзда (филтрлаш, пресслаш, центрифугалаш), физик-кимёвий (Гигроскопик; материалларга ютилиши) ва иссиқдик (буғлантириш, конденсация) усуллари ёрдамида четлаштирилади.

Доривор препаратларни ишлаб чиқаришда камерали, барабанли, чанглатгичли, шахтали ва бошқа қуритгичлар кенг қўлланади. Кўпчилик қуритгичларларга хизмат кўрсатиш -бўйича ишларда бевоСита иш жойларида У юқори даражадаги иссиқлик ва захарли моддаларнинг ажралоши билан . боради.

Қуритгичларнинг етарли даражада механизациялаштирилмаганлиги ва моддаларни уларга солиш, ҳамда чиқариш жараёндарининг герметикдигини таъминланмагачлиги уларнинг асосий камчилиги ҳисобланади. Натижада ишчи зонаси ҳавосининг \тайёр маҳсулот чанглари билан ифлосланиши кузатилади. Узлуксиз ишловчи қуритгичлардан фойдаланишда ишчи зонаси ҳавоси зарарли моддалар билан камроқ даражада ифлослалади (эшакли, чанглатгичли, қурилиш барабанлари кабилар), чунки бу механизмларда маҳсулотларни солиш ва чиқариш жараёнлари тўлиқ герметизация ва механизацияга эгадир.

Дори препаратларини ишлаб чиқаришда^буғлантириш ва қотириш (кристаллаш) жараёнлари кенг тарқалган. Буғлатиш жараёни камроқ концентрацияланган эритмалардан юқори концентрацияли эритмаларни рлишда (синтетик ва галенли препаратлар, антибиотиклар каби) қўлланади. Бу мақсад учун кўп ҳолларда кўп корпусли буғлатиш аппаратларидан фойдаланилади. Гигиена нуқти-назаридан бу механизмлар , билак ишлаганда эритмаларни аппаратларга узатиш ва тайёр маҳсулотларни чиқариш жараёни номувофиқ, операциялар деб баҳоланади, чунки бу жараёнлар ишчи зонаси ҳавосига зарарли бирикмаларни ажратиш билан амалга оширилади.

Кристаллизациялаш жараёни доривор моддаларни турли аралашмалардан еки уларни суюқликлардан ажратишда қўлланади. Бу жараёнлар очик ёки ёпиқ туркумдаги кристаллизаторларда бажарилади. Мазкур жиҳозларда герметикликнинг етарлича таъминланмаганлиги. ва доривор моддаларни солиш ва чиқариш жараёнларининг тўлиқ механизациялаштирилмаганлиги ударнинг асосий камчилиги ҳисобланади. Вакуум-кристаллизаторларга хизмат кўрсатишда иш жойларида энг мувофиқ санитар шароитлари яратилади.

Таблетка, драже, ампула кўринишидаги тайёр дори шакллари. олиш жуда- кўп тайёрлов ва асосий жараён ва операциялардан ташкил топган бўлиб, шунга мувофиқ - жиҳозларда ^маълум тартиб, ва кётма-кетликдати ишлар амалга оширилади.

Якуний операциялар. Технологик ^жараёнинг якуний босқичида доривор моддалар белгалар х>Шиш, идишларга жойлаштириш ва қадоқлашга дучор қилинади. Дори шакллари. пластмассади, қоғозли ва шиша идишларга жойланади, мазкур босқичдаги жуда кўп операциялар механизациялаштирилган. Шу билан .бирга айримх корхоналардаги қўл меҳнати ханузгача сақлачи қолган. ' . . ,

Дори препаратларини ишлаб чиқаришнинг'бу босқичида гигиена нуқтаи-назаридан асосий номувофиқ омил қаторига дори чангини киритиш мумкин. Қоида бўйича ишчилар мураккаб таркибга эга бўлган чанг таъсирига дучор бўладилар, чунки бир вақтнинг ўзида бир неча турдаги дори препаратлари қадоқланади ва идишларга жойланади.

'Ярим . механизациялаштирилган ишларда ва айниқса таблеткалар, ампулалар, дражеларни қадоқлаш в'а -идишларга қўлда жойлаштиришда, ҳамда қоғозли коробчаларни. конвалют клейли целлофанлар билан ' ёпиштириш ва бошқа бир қатор операциялар тананинг мажбурий ҳолатида бажарилиши билан боғлиқ.

ДОРИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ МЕХНАТ ШАРОИТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИГА УМУМИЙ

ТАЪРИФ

Кимёвий омил. Ўтказилган текширишларнинг кўрсатишича, кимё-фармацевтика корхоналаридаги асосий номувофиқ таъсир этувчи омиллар, ишчи зонаси. ҳавосининг зарарли органик ва, анорганик моддалар билан ифлосланиши, кийимлар ва бадан теришнинг ифлосланиши ҳисобланади.

Ҳаво муҳитини захарли .моддалар бидан йфлосланиши технологик жараённинг ҳамма босқичларида кузатилиши мумкин: тайёрлов, асосий ва якуний операцияларда. Ишлаб чиқариш ҳавоси таркибида бўлиши мумкин . бўлган зарарли моддаларнинг миқдори жиҳозларнинг такомиллашмаганлиги, технологик тартибнинг бузилиши, кўпгина опреацияларни бажаришда механизациянинг .етарли. даражада эмаслиги ёки йўқлиги сабабли к>зага келади. Бу жараёнлар қаторига дори материалларини транспортировкаси, моддаларни аппаратларга солиш ва чиқариш, .нгерметик жиҳозлардан

• 31

фойдаланиш, кимёвий маҳсулотларни аппаратларга куйиш ва чиқаришда тўкилиш ҳолларини киритиш мумкин.

Доривор препаратларни ишлаб чиқаришдаги кўпгина корхоналардаги ишчи зонаси ҳавосини ифлословчи кимёвий моддаларнинг таркиби мураккаб характерга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида жуда кўп кимёвий ингридиентларнинг аэрозол, бўғ ёки газ ҳолида .бўлиши билан бс>ғлиқдир. Технологик жараённинг босқичи, олиндиган доривор препаратнинг турига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш хоналари ҳавоси бирламчи, оралик ва кимёвий синтездаги тайёр маҳсулотлар билан ифлосланқши мумкин. Бундай шароитда зарарли моддалар организмга асосан нафас йўллари орқали ва камроқ даражада бадан териси ва ошқозон-ячак йўли орқали киради. ;

Организмга зарарли мрдданинг таъсири технологик жараённинг ҳамма босқичларида бўлиши муршн: хрм-ашёларнр тайёрлаш> бевосита дори препаратларини. олиш жараёни, якуний босқичларда кузатилади. Буйда ишчилар организмга кимёвий омилларнинг таъсир этиш характбри ва таъсир кўрсатиш даражаси технология ва жиҳозларнинг такомиллаштирилганлиги^ доривор моддаларнинг рецептураси, ҳамда ҳоналарнинг курилишгрежалаштирилиш ҳолатлари ва улардаги ҳаво алмашинишининг ташкил этилганлиги билан белгиланади. . Ишлаб чиқариш' хоналари. ҳавосининг ифлосланишида* технологик жараённинг ва биринчи навбатда вақти-вақти билан узил-иб ишлаши катта рол ўйнайди. Вақти-вақти билан йшлаш схемаси бўйича ишлаш жараёнини амалда ошириш суюкликдар ёки тўкилувчи-сочилувчи материалларнинг аппаратлар ва жиҳозларга кун давомида бир неча марта солиниши ва чиқарилиши, ипшов бериладиган материалнинг турли усулларда транспортировка қилиниши билан боғлиқдир. Бу ҳолат ҳаво муҳитининг, ифлосланишнни олдини олиш бўйича тадбирларни самарали ташкил қилишни сезиларли даражада мураккаблаштиради. -Шу билан бйрга, технологик жараёни узлуксиз схема бўйича ишлашини ташкил қилиш ишчи зонаси ҳавосини ифлословчи манбалари ҳисобланган бир қатор жараён ва операцияларни йўқотиш имконини беради (ярим фабрикаларни аппаратларга еолиш, чиқариш, транспортировка қилиш каби). Бундан ' ташқари, кўп меҳнат талаб қиладиган ва ҳавфли қўл меҳнатларини йўқотиш учун энг яхши шарбитларни яратишга имкон беради.

. Ҳаво муҳитинк зарарли .моддаларнинг буғлари ва газлари билан ифлосланиш даражасига апдаратлар ва коммунакадион тармоқлардаги босим қиймати катта таъсир.кўрсатади: Гигйша нуқтаи - назаридан энг мувофиқ меҳнат шароити доривор препаратларни вакуум остида синтазлаш шаройтида яратилади, чунки бунда захарли моддалар жиҳозлардан чиқа-олмайди. Вакуумли жараёнларни реакторлар бўлимида кузатиш мумкин бўлиб, доривор моддаларни ажратиб олиш ва курийтишда кенг қўлланади.

Ц1у бияан бирга ярим маҳсулотла^ ва та^ёр дори препаратларини синтезлашдаги жуда кўп кимёвий жараёнлар Рширилган ва 'юқори . босимларда кетади. Масалан, анилиннинг хлорбензолдан ҳосил бўлиш 200°С якин ҳарорат ва 5,9-9,8 мПа (60-100 атм) босимида боради, амйнинг фенолгача синтезлавдшш эса, 350°С ҳарорат ва 19,6 мПа (200 атм) босимда кетади. Еундай жараёнларда жиҳозлариинг герметиклигини таъминлаш трубалар ва аппаратларнифланецли' бирикмалар билан улаш ва маҳсус конструкцияга эга бўлган фтороил^ас-йти, асбесткўрғошинли ва бошқа прокладқали материаллар қ^ллаш орқали эришилади.

Маҳсус хронометражли кузатишларийинг кзфсатишича, сульфаниламидли препаратларни ишлаб чиқаришда адпратчиларнинг ўртача 10-12% иш вақти юқори миқдорлардаги зарарли мрддалар бўлган шароитда ўтади. Кимёвий моддаларнинг энг юқори ифлосланиш даражаси технологик жараёнларнинг герметиклиги бузилган шаройтларда кузатилади, Масалан, амидопиршоди, ишлаб чиқаришдаги

фенилгидразинсульфатни гидролизлаш боскичида аппаратнинг рчик қопқоғи орқали намуналар олиш чоғида, олтингугурт газийинг концентрацияси РЭК дан 4 мартагача рршқ бўлиши кузатилади.

Чан1^ . Ишчи хоналар ҳавосини чанглар билан йфлосланиши асоеан доривор моддаларни олишнинг тайёрлов ва якуний л босқичларида" кузатилиши мумкин. Тайёрлов боекичида чанг ажратувчи асосий манба бўлиб, ^хом-ашёни сақлаш омборхоналардан ишлаб чиқариш цехларига "етказишда, ҳамда уларни майдалаш, янчиш, элаклардан ўтказиш, ташиш, аппара^тларга солиш жараёнлари хисобланади. Чунончиу чангларнинг юқори концентрациялари ўсймлиқ хом-ашёларини янчйш, синтетик; воситаларнинг дастлабки компойентларини майдалаш босқичидаги иш жойларида . кузатиладй. Бунда ишчи зонаси ҳавосининг чангланганлик даражаси рухсат этиладцган даражалардан 3-5 марта юқори бўлиши мумкин.

Дори препаратларини олишнинг якуний босқичида ҳаво муҳитининг тайёр дори препаратларининг юқори дйражадаги чанглари билан ифлосланиш ҳолатларй, . купшча таблетКалаш,. дражелат, қуритиш, янчиш, арадашмаларыш элаш, қадоқлаш ва тайёр дори маҳсулотларини ўРаш жараёнларида кузатилиб, чаиг концентрацияси рухсат этиладиган кдйматлардан бир неча марта ошиб кетиган мумкин, Вйбрациялй элаклар ва айнийқса йаҳсулотларни қўлда элаш жараенидаги ишларда ишчи ҳавоси таркибидаги чанг койцентрацияси рухсат этиладиган қийматлардан 5, ва ундан ортиқ марта ошиб кетиши кузатилади. Масалан, тайёр маҳсулотларни қўлда қадоқлаш вақтида ишчиларнинг дафас олиш зонасидаги ҳаво (таркибида чанг концентрацияси 100мг/м3 ва ундан ортиқ бўлиш мумкин. Маълумки, чангларнинг организмга таъеир этиш табиати ва бирлогик ўзгаришларнинг. кўзга ташланиш 'даражаси кўп жиҳатдан чанглариинг дисперслиги бўйича бедгнланади. Айрим дори препаратларининг чанги 85-98% каттадиги 5 мкм кам бўлган чанглардан ташкил топган бўлади (жадвал 9). Бу катга .микдордаги дори чанглариини организмга нафас йўллари ва хазм органлари орқали киришига шароит яратади (сўлак билан).

Айрим доривор моддалар чангининг дисперслиги Жадвал 9

| Дори препаратлари | Чанг заррачаларининг микдори, % | | |
|---------------------------|---------------------------------|---------|----------------------|
| | 1 мкм гача | 1-5 мкм | 5 мкм ва ундан катта |
| Ацетилсалицилат кислотаси | 73,9 | 10,5 | 15,6 |
| Бехтеров бўйича драже | -85,3 | ' 12,2 | '2,5 |
| Кодеин | 88,5 | 11,2 | -0,3 |
| Фенобарбитал | 73,4 | 26,3 | 0,3 |
| Нафтамон | 49,9 | 49,1 | 1,0 |
| Амидопирин | 70,8. | 20,5 | 8,7 |
| Спазмолитин | 56,1 | 40,4 | 3,5 |
| Фенацетин ' | 56,1 | 42,3 | 1,6 |
| Фтивазид | 68,9 | ,29,9 | ^_12__ |

Микроиқлим. Кимё-фармацевтика саноатининг корхоналарида ишлаб чиқариш хоналарининг микроиқлими ўрнатилган СК-245-71 талабларига мувофиқ бўлиши керак. Аммо, олиб борилган "текширишларнинг кўрсатишича, аппаратлар ва комМунакацион иссиқлик тармоқларидаги кизиган юзаларни етарлиаа изоляция қилинмаган шароитларда ишчилар организмга бир вақтнинг ўзида кимёий омиллар билан қиздирувчи микроиқлим биргаликда таъсир кўрсатади. Ҳаво муҳитининг юқори ҳарорати асосан қуритиш бўлимларида ва юқори ҳароратда бораднган, ҳамда иссиқлик ажралиши билан кузтиладиган аппаратлар (кристаллйзаторлар, эритмалар, гидролизерлар) атрофида бўлиши мумкин. Масалан, йилнинг иссиқ фаслида мазкур участкалардаги ҳаво ҳарорати 40-60% нисбий намликда 34-38°С ван ундан юқори бўлади. Агар Ўзбекистоннинг ;иссиқ иқлими .шароитини хисобга олддиган бўлсак, бу кўрсаткйч 45-50°С ниташкил этиши мумкин.

Шундай қилиб, кимё^фармацевтика саноатй корхоналаридаги айрим иш жойларидаги иситувчи" микроиқлим кимёвий омилларнинг таъсирини чуқурлаштирувчи қўшимча омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шовқин. Доривор препаратларни тайёрлашдаги ишлаб- чиқарйшга оид шовқиннинг манбаи жуда кўп технологик аппаратлар ҳисобланади. Улар қаторига компрессорлар, вакуум-фильтрлар, барабанли қуритгичлар, центрифугалар, маҳсулотларни майдалаш ва янчиш асбоблари, тебранишли элакар, вакуум-насослар ва б.қ. киритиш мумкин. Айрим ҳолатларда шовқин даажаси рухсат этиладига^ даражалардан ортиб кетади. Масалан, центрифугалар атрофидаги иш жойларида: шовқин параметрлари рухсат этилган қийматлардан 5, дБ, вакуум-насослар атрофида 5-6 дБ, компрессорлар енида 14-17 дБ гача ортиқ бўлади. Машиналар бўлими энг номувофик участкалар ҳисобланиб, бу жойларда юқори частоталий

шовқиннинг йиғинди даражаси кўпинча рухсат этилган қийматлардан 20-25 дБ га ортиқ бўлади. Айтиш лозимки, ҳатто рухсат этиладиган даражадаги ишлаб чиқариш шрвқини кимёвий моддаларнинг таъсирини, чуқурлаштириб юбориши мумкин.

Меҳнэт шароитларини соғломлаштириш тадбирлари. Ишлаб чиқариш хоналари ҳавосининг йфлосланишига қарши кураш биринчи навбатда доривор препаратларни олишдаги технологив! жараёнлар ва жиҳозларни такомиллаштиришга қаратилгай' бўлиши керак. Бунда дори рецептурасига кирадиган зарарли моддаларни кам зарарли моддалар билан алмаштириш, очиқ технологик жараёнларни ёпйқ турга ўтказиш, юқори босимли жараёнларни пас,т. босимли жараёнларга ўтказиш, иш жараёнларини механизациялаш, агрегатлардан чиқадиган иссиқликларни изоляция қилиш каби тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Янги-янги техник воситадарнинг яратил-иши умуман олганда кимё-фармацевтика саноатидаги ҳаво муҳити ва меҳнэт шароитлар^ийи еоғломлаштиришга .имкон беради, герметиюшги таъминланган узлуксиз технологияларга ўтишни кўзда тутати ва агрегат ва механизмларни масофа орқали бршқариш ва йазорат қилиш шароитини вужудга келтиради.

, Саноатни автоматлаштириш Касбий зарарлар билан курашишжа жуда катта аҳамйят касб этиб, ишчилар сонини минимумгача қисқартириш ва уларни технологйю жиҳозлар ёнида бўлиш қисқартиришга имкон беради. Бунда техйологик жараёнларни автоматлаШтириш ва уларни дастур асосида бошқариш ниҳоятда катта рол ўйнаб, 'ишлаб чиқариш агрегатларини ўзоро боғлиқлигини яратишга шароит яратади, белгиланган жараёларни мустақйл бажариш ва уни зарурнэт туғилганда технологйк кетма-кетлигини мувофиқлаштйради.

Аммо, ҳаттоки энг замоний технологик жараёнларни амалиётга қўлланган шароитда ҳам ипийи зонаси ҳавосига айрим микдорлардаги газлар) буғлар, чанг, иссиқдик ва намликни ажралишидан тўлиқ қутулиб бўлмайди. Шунинг учун технологик.жараёнлар' ва жиҳозларни такомиллашшриш билан бцрга касбий зарарларга қарши курашиш учун хоналарнйнг оқилона шамоллатилиши катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш хоналари ҳавосини юқори самарали цгамолдатилишига эришйш учун хсГналар комплексини тўтри режалаштириш, хоналарнинг йчки юзалари ва тўсиқларни пардозлаш ва бунда ўзига зарарли кимёвий^ моддаларни шимиб олмайдиган материаллардан фойдаланишнинг аҳамйяти катта^ Зарарли моддаларни -бевосита уларнинг ажралиш жойларидан! четлатишда, яшлатилаётган жиҳозларнингдусусияти ва бажариладиган ишларнинг табиятига муйофик келадиган маҳаллий шамоллатиш мосламаларини ўрнатиш мақсадга мувофик. >

Масалан, нутч^фйльтрларни пардаларй осилиб турадиган зонтлар билан жйҳозлаш, намунао оладигаи жўмраклар ҳаво чиқарувчи лзкафлар кўринишидаги паиа жойларга ўрнатйш керак бўлади.

Реакторларнинг вақти-вақти билан очилайган қопқоқлари ва бо,шқа жиҳозларнинг юқори тарафида енгил ҳаракатланувчи енгчалари бўлган зонтли ҳаво сўриш шкафларини ўрнатиш лозим. Намуналар олиш, аппаратларнинг қопқоқларини очиш, реактррлардан компонентларни чиқариш ва бошқа операцияларда кўп микдорда зарарли моддалар хона ҳавосига чиқиши мумкин, шунинг учун бундай операцияларни бажаришда шахсий "ҳимоя врситаларидан фойдаланиш талаб этилади.

Шовқинга қарши курашиш тадбирлари ўртасида технологик жараёни такомиллаштириш, йшлаб чиқариш хоналарюш тўтри режалаштириш, шовқин ютувчи қурилиш материалларидан (пенопласт, кигиз, ёғоч толали плиталар) дан фойдалайишга катта эътибор бериш лозим бўлади. Бундан ташқари шовқин тарқатувчи манбалар' .ҳисобланган аппаратуралар ва системаларнинг ўз вақтида профилактик кўриклардан ўтказиб туришни назорат қилиш керак. Айрим ҳолларда, шовқин даражасини рухеат этилган қийматларгача пасайтйриШНинг имконияти бўлмаган шароитларда, ивачиларнинг шахсий ҳимоя воситаларидан унумли фойдаданиши тавсия этилади (антифонлар). !

Ишчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш "бўйича даволаш-профилактик тадбирлар ўз таркибига дастлабки ва даврий тиббий кўрикларнйнг ташкил қилиниши ва ўтказилишйни олдаи. Бундан ташқари белгиланган меҳнэт ва дам олиш тартибига 'рйоя' қилиш, оқилона овқатланийюй ташкил қилиш,

жисмоний тарбия ва спорт турлари билан шуғулланиш муҳим аҳамиятга эгадир., -
СИНТЕТИК ДОРИВОР МОДДАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ
МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ

Синтетик доривор препаратдарни ишлаб чиқариш корхоналари бир неча юз турдаги ҳархил воситаларни чиқариш амалга оширади ва уларнинг ҳаммаси олти гуруҳга бўлинилади:

* -

1. Анорганیک доривор моддалар (бром[^] йод, кали[^] перманганати препаратлари). ;
 2. Алифатик қатордаги доривор бирикмалар (спиртлар, оддий эфирлар, альдегидлар, альдегид кислоталари, карбонли кислоталар, алифатик аминлар, аминокислоталар ва б.к.). 1
 3. Алициклик қатордаги доривор бирикмалар (терпиноидлар[^], витаминлар -А, К, Д, Р, Е, гармонлар, қон зардобини алмаштирувчи моддалар).
 4. Ароматик қатордаги доривор бирикмалар (феноллар ва уларнинг ҳосилалари, ароматик карбон кислоталар[^] ва уларнинг ҳосилалари, сульфаниламидли препаратлар[^], ароматик сульфо кислота ҳосилалари).
 5. Элементоорганик доривор моддалар (маргумуш, сурма, висмут, симоб, фосфор моддаларининг органик бирикмалар[^], рентгенконтраст воситалари).
 6. Гетероциклик қатордаги доривор бирикмалар (бир ёки икки атомли беш-олти аъзоли гетероцикларнинг ҳосилалар[^]).
- Синтетик доривор воситаларнинг бирламчи хом-ашёси бўлиб тош кўмир, нефт ва бошқа моддаларни ҳайдаш ва қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобланади ва уларнинг сони бир неча, юзга ташкил этади. Булар турли ҳилдаги органик ва анорганیک кимёвий моддалар бўлиб, суюқ, қаттиқ ва газсимон ҳолатларда бўлади/ Уларни ураккаб технологик қайта ишлашлардан ўтказиб, асосан ароматик, камроқ даражада гетероциклик ва алифатик органик ярим маҳсулотлар олинади. Уларнинг асосийлари қаторига турли, ҳилдаги ароматик аминлар ва нитробирикмалар, феноллар ва нафтоллар, уларнинг сульфо кислотадари ваталоид ҳосилалари киради.
- Синтетик доривор препаратларини ишлаб чиқаришда ердан хом-ашё сифатида кўпгина анорганیک кислоталар (сульфат, азот, хлорид кислоталари, олеум), органик кислоталар ва уларнинг ангидридлари (сирка, чумоди, шовул, сирка ангидриди), ишқорлар (натрий ишқори, аммиакли сув), тузлар (натрий[^] калий, магний ва б.к.), кўпгина металллар ва уларнинг оксидлари, олтингугурт, спиртлар, эфирлар, альдегидлар, кетонлар қўлланади.
- Жуда кўп синтетик препаратларни олишдаги технологик схема бир турли характерга эгадир. Масалан, сульфаниламидли, гармонал, наркотик ва бошқа кўп препаратларни тайёрлаш бир неча босқичлардан иборатдир (10 ва ундан ортиқ). Бунда маъмур корхона турли ҳилдаги асбоблар ва жихозлар, сув тарқатиш тармоқлари; газ, электр, канализация ва бошқа коммуникация тизимлари билан юқори даражада тўйинганлигини билан таърифланиб, жуда катта миқдорлардаги органик ва анорганیک бирикмалардан фойдаланиш билан боради. ...!-!.
- Дориларни олиш жараёни кимёвий реакцияларни ўтказиш, филтрдаш операциялари, қуритиш, майдалаш, аралаштириш, элктрдан ўтказиш, тортиш[^], қайта[^] аш ва идишларга жойлаш кабилардан ташкил топган.
- Дориларни синтезлашдаги нитролаш, сульфиролаш[^] метиллаш, этиллаш, хлорлаш ва аминлаш кабилар энг, характерли реакциялар ҳисобланади[^] Бу реакцияларнинг ҳаммаси ўзининг тузилиши бўйича ўхшаш бўлган : аппаратлар, аниқроғи реакторларда амалга оширилиб, бажариладиган ишларнинг табиатига кўра аминаторлар, нитраторлар, сульфураторлар, хлораторлар деб номланади. Доривор препаратларни синтезлашдаги бошланғич жараёнлар жуда кўп тайёрлов, операциялардан ташкил топган бўлиб, ёндош соҳадаги корхоналарда келтириладиган хом-ашёларнинг - сифати, дориларни синтезлашга бўлган ва эфтирилган талабларга кўп ҳолларда жавоб бермайди. Бундай ҳолатларда бирламчи хом-ашё ювиш, ҳайдаш, ректификациялаш[^], майдалаш, янчиш, элаш, қайта -кристаллаш каби бирламчи тозадашларда ўтказилади. Ишчиларнинг зара[^]ли зарарли маҳсулотлар билан бўладиган бирламчи алоқаси завод ва цехлар қошидаги омборхоналардан хом-ашёни олиш ва уларни аппаратларга солиш вақтидан бошланади..
- Аслида, синтетик моддаларни ишлаб чиқариш жараёни у ёки бу ярим маҳсулотни олишдан бошланади, улардан кейинги босқичларда глумкин бўлган турли реакциялар йўли билан доривор моддалар синтезланади.

Олдиндан ишловдан ўтказилган бирламчи компонентлар реакторларга жойлаштирилади.

Маҳсулотларни аппаратларга солиш кўпчилик ҳолларда насослар, ҳаво еки "буғ босими, ўзининг оқими ёки вакуум ёрдамида юк" узатгичлар бўйича бажарилади. Тайёрлов цехларидаги ингридйентларни транспортировка қилиш лентасмион транспортерлар, элеваторлар, шнеклар, ҳамда гидравлик ва пневматик системалар ёрдамида амалга оширилади. Бу мақсадларда цехлар ўзларининг мустақил насос станцияларига эга, бў станцияларда шмпрессорли, вакуумли ёки марказдан қочувчи насослар жойлаштириладк. Технологик регламентга мувофиқ, кўпгина компонентлар аппаратларга қизиган ёки кайноқ ҳолда туширилади. Реакцияларда агрессив, ёнғинга ва портлашга ҳавфли маҳсулотлар иштирок этиши мумкин. Бу ўз ўрнида энг такомиллашган технологияларни қўллашни талаб қилади.Мазкур технологиялар ўлчов-назорат, қайд қилувчи асбоблар, юқори, сифатли коммуникация ва арматуралар билан жиҳазланиш ва қўллашни тадаб қилади. Бу жараёнда ишчи-лар техника ҳавфсизлиги;ва меҳнат гигиенаси коидаларига қатъиян риоя қилишлари керак.

Синтетик моддаларни олишдаги мазкур босқичда аппаратларнинг очиқ қопқоқлари орқали ярим маҳсулот ва тайёр моддалардан намуна олиш, рўй берадиган реакцияларнинг кислотл-ишкорли - муҳитини назорат қилиш ва суюқликларнинг сатҳини ўлчаш кабилар энг кўп учрайдиган операциялар ҳисобланади. Бу операцияларнинг қисқа муддатлар ичида бажарилишига қарамасдан (3-5 дақиқа), улар ишчи зонаси ҳавосига катта миқдорлардаги зарарли моддаларни чиқариш манбаи бўлиб қолади. Масалан, амидопиринни олишдаги гидролиз босқичида намуналар олиш вақтида РЭК ортик бўлган катта миқдордаги олтингугурт газы , ажралади. Вакуум усулида аппаратларнинг штуцерларй ёки маҳсус намуна олиш жўмраклари орқали намуналар олиш ҳолларида ҳаво муҳитининг ифлосланиши унчалик юқори бўлмайди.

Бир аппаратдан иккинчи аппаратга реакция аралашмасини транспортировка қилиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар катта диққат-эътиборни ва эҳтиёткорликни талаб қилади. Қоида' бўйича, айрим реакцияларнинг^ ке^иши ва -маҳсулотларни синтезлаш жараёнларининг аксарият қисми катта босим остида бажарилганлиг^ учун жиҳозларнинг герметиклиги бузилганда ишчи ҳавоси муҳитига захарли моддаларнинг чиқиш ҳолатяари кузатидиши мумкин. Зарали моддаларнинг чиқиш жойлари - мустаҳкам зичликка эга, бўлмаган фоанецли бириктириш жойлари ва сальникли зичлагилар орқали бўлиши мумкин.

Жуда кўп синтетик доривор моддаларни олиш филтрлаш жараёни билан боғлиқ. Кузатишларнинг кўрсатиши бўйича, бу жараёнларни филтр-пресслар, нутч-филтрларда бажаришда, иди-шлардаги очиқ филтрлаш майдони сезиларли даражада катта бўлганлиги сабабли, ишчи зрnasi ҳавосига катта миқдорлардаги азот оксидлари, аммиак, фармальдегид ажарилиши мумкин. . Барабанли филтрлар, автоматик филтр-пресс, барабанли вакуумли филтрларга хизмат кўрсатишда меҳнат гигиенаси энг мувофиқ бўлади.

Доривор претаратларни синтезлашда реакцияли массадан тайёр маҳсулотни ажратиш ва чиқариб олиш бўйича бажариладиган операциялар экстрактор-аппаратлар, ректификацион мосламалар, кристаллизаторлар, турли центрифугаларда амалга оширилади. Дорлвор препаратларни ишалб

38

чиқаришнинг мазкур босқичда турли ҳилдаги органик эритмалар кенг қўламда қўлланади - бензол, дихлорэтан, толуол, хлороформ, трихлорэтан ва б.к.. Ишлаб чиқаришнинг буучасткасида ишчилар зарарли маҳсулотлар билан жиҳозларнинг герметиклиги бузилганда, қўл меҳнатидан фойдаланилганда, аварияли вазиятларда алоқада бўлишлари мумкин.

.Доривор моддаларни олишнинг якуний босқичларида, маҳсулотларни куритиш, майдалаш, элаш, қадоклаш амалга оширилади. Бу жараёнлар шундай шарритларда бажарилиши керакки, бунда доривор воситаларнинг чанглари, буғл.ари ёки газлар ишлаб чиқариш ҳаво.си мУхитига' умуман ажралмасин. Меҳнат шароитини соғломлаштириш бўйича тадбйрлар. Синтетик доривор воситаларни ишлаб чиқарувчи корхоналаридаги асосий соғломл аштирув.чи тадбирлар қаторига технол огик жараёнл арни такомиллаштириш, автоматизация ва механизацияни кенг қўллашни киритиш мумкин. Бундан ташқари вақти-вақти • билан ишлайдиган технологик жараёнларни узлуксиз ишлайдиган технологиялар билан алмаштириш, технологик жиҳозларни масофа орқали бошқариш муҳим соғломлаштириш тадбирлари ҳисобланади. Профилактик соғломлаштириш тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш хоналарини тўғри режалаштирилиши ва бу хоналарда технологик жиҳозларни иш тартибига мувофиқ ҳолда тўғри жойлаштириш, ҳаво берувчи-чиқарувчи ва маҳаллий шамоллатиш мосламаларини кенг қўллаш, бошлангич маҳсулотларни стандартлаш, шахсий ҳимоя воситалари ва б.к. муҳим аҳамиятга эгадир.

Дори препаратларини ишлаб чиқаришда касбий зарарларга қарши курашишда даволаш-профилактика

тадбирлари ва биринчи навбатда дастлабш ва даврий тиббий кўрикнинг тутган ўрни юқоридир. - Ишчиларнинг оқилона овқатланишини ташкил қилиш, илмий асорланган меҳнат ва дам олиш тартибини жорий қилиш, меҳнат ва те-хника ҳавфсизлиги бўйича тушунтиришлар ва ишлаб чиқариш санитарияси муҳим аҳамиятга эга.

АНТИБИОТИКЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИДІДАГИ МЕХНАТГИГИЕНАСИ

Аҳолини зарурий дори воситалари билан етарли даражада таъминлашдаги муҳим вазифалардан бири касалликларни олдини ва даволаш мақсадида кенг қўлланадиган антибиотикларни ишлаб чиқишни янада кенгайтириш хисобланади. Бугунги кунга кел-иб тиббий корхоналарда 40 дан ортиқ .турдаги антибиотиклар ва ,100 ортик дори шакллари ишлаб чиқарилмоқда.

Уларнинг умумий солиштирма оғирлиги тиббиётга доир саноат' маҳсулотлари ичида 18Г20% ташкил этади.

Антибиотиклар микроорганизмлар, юқори босқичдаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёт фаолияти жараёнида ишлаб чиқиладиган ва бактерицид ёки бактериостатик таъсир хусусиятига эга бўлган моддалардир. Бугунги

39

кунга келиб дунё миқёсида турли ҳилдаги кимёвий бирикмалар синфига таалуқли бўлган '500 га яқин антибиотиклар ишлаб чиқарилмоқда. Антибиотикларнинг антибактериал хусусиятлари тиббиётда, хусусан юқумли касалликлар ва яллиғланиш жараёнлари терапияси ва уларни олдини олиш амалиётида кенг қуламда қўлланиши учун асос бўлди.

Антибиотиклар тиббий амалиётда қўлланишидан ташқари, озиқ-овқат ва сут-гўшт саноатида ҳам.кннг қўлланадц. Уларни ҳайвонлар ва қушларнинг вазнини тезроқ ошириш мақсадида овқатларига қўшиб берилади ва х.к.

Антибиотикларни олишдаги технологюс жараён шунга мувофиқ жихозларда кетма-кет бажариладиган бир нечта босқичлардан иборат: а)экиш материални, ўстириш ва антибиотикларни биосинтезлаш (ферментациялаш); б) културал суюқликларни бирламчи ишловдан ўтказиш; в) филтрлаш; г)ажратиш ва кимёвий . усулда тозалаш (экстракция, ионалмашиниш усули, чўктириш усули); д) тайёр дори шакллари тайёрлаш; е)қадоқлаш ва идишларга жойлаш (расм).

• Бирламчи технологик жараёнлар экиш материални колбалар ва ферментерларда ўстиришга асосланган (продуцент). Ўстирилган ишлаб чиқариш продуцент штамми, уни янада бойит^ш мақсадида махсус аппаратлар-инокуляторларга ў^тказилади. Инркуляторларда мўғорлар, бактерияларни ўстириш жараёни қаттиқ белгиланган шароитларда амалга оширилиб, улар иситиш ва совутиш тизимлари, ҳаво бериш, ўстириладиган ва бойитиладиган массани аралаштириш учун махсус жихозлар билан таъминланади. Шундан сўнг продуцент ферментация-жараёнига ўтказилади. Ферментация деб - продуцентни культивация қилиш (ўстириш) ва максимл даражада антибиотикни хоеил қилинишга айтилади. Антибиотиклар микроорганизмлар танасида синтезланадй ёки културал суюқликда биосинтез жараёнида ажралади. ^

Ферментация жараёни учун аеосий жихоз бўлиб. ферментерлар хиСобланади. Уларнинг ҳажШари турлича, ҳатто 100000 литргача бўдиши мумкин, Ферментерлар. иситиш ва еовутиш сиетемалари , стерйллланган ҳаво аралашмасини' бериш, аралаштиргич, ҳамда овқатли" муҳит ва културал суюқликни кири-гцш ва чяқариш механизмлари билан жихозланган.. Технологик жараённинг мазкур бочқичи қўлланадиган жихозларнинг герметиклиги билан таърифланади, Бунда ҳаво муҳитининг антибиотикларни биосинтезлаш учун қўлланадиган моддалар, ҳамда ферментация жараёнининг якуний босқичи бўйича. хосйл бўладиган биомасса билан ифлосланиш мукосинлиги амалда бартараф қилинган.

Антибиотикларнинг културал суюқликда бўладиган жуда кўп моддалар билан бирикиб, эримайдиган бирикмаларни хосил қилиши, концентрацияни

ошириш учун, ҳамда ундаги аралашмаларни тўлиқ чўкишини таъминдаш мақсадйда, суюқликни суюқликнинг рН 1,5-2,0 бўлгунча шовул ва хлорид кислотаси билан нордонлаштирилади. Ишлов берйлган културал суюқликни мицелиялар ва чўктирилган балласт моддалардан холи қилиш учун «натив эритма» деб аталувчи тиниқ филтрат олингунча сузидади (фйльтрланади). Ишлов берилган филь-трал суюқлик сузиш очик туркумдаги ромли филтр-прессларда амалга оширилади, натижада натив эритманинг социяйши юзага келады. Филтр-прессларга маҳсулотни ^хўяда солшпда иш^илар, таркибида антибиотиклари бўлган културал суюқлик билан алоқада бўлиши мумкин.

Антибйотикларни олишнинг кейинги босқичи ажратиш ,ва кимёвий тозалаш хисобланади. Мазкур босқичда аш^биотикли эритмани концентрлаш ва тозалаш шундай ҳолгача олиб бориладикй|, токи ундан ,тайр дори препаратини олиш мумкин бўлсин. Натив эритмада антибиотикларнинг

смиқтори жуда кам, шунинг учун уни тоза ҳолда ажратиб олиш, тозалаш ва тайёр дори шаклига келтириш - жуда мураккаб ва кўп меҳнат қиладиган жараёндир. Масалан, 1 кг антидотик олиш учун 600 литрга яқин культурал суюқдикни қайта ишлашкерак бўладй.

Антибиотикларни 'ажратиб олиш ва кимёвий тозалашдан ўтказишда қуйидаги* усудлардан ;бирини қўллаш мумким: 1) турли .эритмалардан, фойдаланиш билан экстракция қилиш усули; 2)чўктириш. усули; 3)ион алмаштириш усули. Антибиотикларни биосинтезлашда экстракцион ва ион алмаштириш усули. кенг қўлланишга эгадир. Охирги йилларда антибиотикларни ажратиш ва тозалашдаги ион алмаштириш усулидан бошқа турдагй дори. препаратларини олишда ҳам фотйдаланилмоқда. Бу усулнинг асосий устушшигй шундан иборатки, бунда захарли ва портлашга ҳавфли эритмалардан .фойдаланишга умуман ҳожат қолмайди. Усул иқтисод , томонидан ҳам фойдалй, чунки унинг технологиясй оддий ва қимматбаҳо жиҳозлар ва хом-ашёёларни талаб қилмайди.

Нативли эрийтмадан антибиотикларни экстракция қилиш экстрактор-сепараторларда амалга оширилиб, унинг асосий камчидигй экстракторларга

'• * ^ "' 1 "&•""*

маҳсулотни қўлда солинади, натижада мазкур цех ҳавоси эритмалар билан ифлосланиши мумкин. Масалан, тетрациклин ва окситетрацикликни .ишлаб чиқаришда изооктанол моддаси билан ҳаво муҳити ифлосланиши мумкин.

Антибиотикларни ажратиш ва кимёвий тозалаш жараёнидақўлланаётган жиҳозларнинг яхши такомиллаштирилмаганлиги туфайли ҳаво муҳитига эритмалардан ташқари олеин кислотаси, натрий ишқори, шрвул^кислотаеи, бутил ва этил спиртилари, бутилацетат ва б.қ. тушиши мумкин.

Ионди сорбциялаш усули шундан иборатки, натйв эритма сульфокатионит СБС-3 солинган ион алмаштирувчи кодонналарга марказдан қочувчи насослар ёрдамида узатилади. Ион алмашиниши натижасида антибиотик ионитларга сорбцияланади, сўнгра уни аммак-боратли буфер эритмада дееорбция қилинади.

Бу усул чўктириш ва экстракция қилиш усулига қараганда бир қатор устунликларга эга. Чўкмалар билан ишлашда қўл меҳнاتини талаб қилмайди, бу ўз ўрнида ишчиларни концентрланган эритмалар, ва чўкмалар ва

антибиотик қолдиқдари бидан бўладиган алоқах^а чек қўядй. Бундан ошпқари бу усулда захарли органик эритмалардан фойдаянилмайди.

Кимёвий тозалаш жараёнида олингад пастасимон маҳеулот, кейинчалик қўритилади ва элашдан ўтказилади. Антибийтйкларнй йшлаб чиқаришдаги қурихийЕ жараёни жуда муҳим рол ўйнайди, чунки уни тўғри ташкил қилйш ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини белгилайдк. Кристая ҳолида олинадйган ва маълум намликка эга бўладиган терностабил°антибиотиклар одатда вакуумли қуритиш .шкафларда қуритйлади. .Кимёвий тозалашдан кейин сувли концентратлар кўринишида олинадйган антибийотиклар буғлантирувчи-қуритиш агр.егатлар ва вакуум-сублимацияли қуритгйчларда қуритиЕига дучор қилинади (расм).

Қуритиш бўлимида маҳсулотларнц гпкафларга ролиш ва чйқаришда қўл меҳнатининг йшлатилиши, бу ^ўлимдаги технологик жараённинг асосий қамчилиги хисобланади. Бу операцияларни бажаршш, ҳамда кукунеимон дори массаеини аралаштириш ва қуритиш агрегатларининг ,иш тартибини назорат қидиш, ишчиларни антибиотик чангларй билан алоқада бўлиши мўмкйнлигидан далолат беради. Қуритиш шкафларлнинг етарлича гёрметик < ёпилмаелиги ишлаб чиқариш хоргалари ҳавосига айрим захарли моддаларнинг чиқарилишига ёрдам беради ва бу моддаларнинг қолдиқ концентрациялари антибийотиклар таркибида ҳам бўлиши мумкиц. Масалан, тайёр ҳолдаги хлортетрациклин таркйбида метанол қолдигй, тетроциклинда - , изооктил спиртй, хлоргидратли тетрациклин ва окситетрациклинда- п-бутанол ва хлорид кислота қолдигйни ўчратиш мумкин.

Стерил ҳолда қуритилган антибиотикларни сТерилланган шиша идишларига (флакон) қадоҳланади. . Флаконларлардаги курук, -антибиотикдарни дозалаш, ^тиқинлаб .15еркитиш, беркит^иш ва пишитиш автоматларда бажарилади. Айрим ҳолларда бу мақсадда «Технолог» ярим автомати дўлланигци мумкин. Бунда фақат флаконларни ацттибиотиклар билан тўлдиришгина автоматлаштирилган. - Қолган- барча операциялар қудда бажарилади, шунинг учун бундай Шароитда ишлаб; чиқариш хоналарининг ҳавоси антибиотиклар чанги билан ифлосланишй мумкин. Бир ;вактнинг ўзида бир неча турдаги антибиотикларни қадоқлат вазиятйда ишчилар бу маҳсулртларнинг комбинациялашган таъсиршга учраши мумкин.

Ичиш мақсадлари учун антибиотикларни таблетка ёки драже шаклйда чик;арилади, Антибиотикларни таблеткалаш жараёни қуйидагилардан йборат: антибиотик таркйбига кйрувчи ҳамма компонентлар -

тўддирувчилар (шакар толқони, кальций стеарат, талък) аралаштиргичга солинади, аралаштирилади .ва ва шакарли қйём, желатина, хяорид кислрта ва этил спирти аралашмаси : билан ; намлантирилади. Сўнгра .хосил бўлган масса гранула ҳолига ўтказилади ва .қуритишга йўналтирилади. Қуритиш, одатда қалориферли қуритгиларда амадга оширилади. Гранулаларг қуритилгандан сўнг, сочилувчанлйк хоссасини ошириш учун талък, кальций стеарат ва крахмал

•>"••'. '•'---".•- 42 '!' • . ' ..

аралашмаси талқонй билан ишловдан ўтказлади, кейинротацион таблеткалаш машиналарида машиналарида жипслаштирилади ва конвалюталарга жойланади, *

;

Гигиена нуқтаи-назаридан таблеткалаш жараёни бўлиниб тутувчанлиги, герметиклйкнинг ^гарлича эмаслиги ва . Қўлда бажариладиган операцияларнинг қўшгаги билан таърифланади. Шу сабаблар билан антибиотик чанглари амалда таблеткалаш операциясининг барча босқичларида ишчи зона ҳавосига тушши мумкин:

АНТИБИОТИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИНИНГ МЕХНАТ ШАРЙТЛАРИ ВА САЛОМАТЛИК ҲОЛАТЛАРЙГА ГИГИЕНИК ТАЪРИФ

Антибиртикларни ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат шароити Ҳаво муҳитига юқори дйсперсили'антибиот;ик чанглари, технологик жараёнда ишлатиладиган кимёвий моддаларнинг буг ва газларлар ва ортиқча ҳароратнинг чиқарилиши билан таърифланади. Ферментациялаш босқичида ишчилар хонлар ва жиҳозларни стерилизация қилишда қўлланадиган фенол ва формальдегад, ҳамда продуцент чанглари таъсирига дучор бўлишлари мумкин. .

' Маҳсулотларга 'бирламчи ишлов бериш ва филтрлаш босқйчларида ишчилар шовул ва сирка кислотаси буғлари билан алоқада бўладилар. Қўлда бажариладиган операциялар кўпинча бадан териси ва махсус кййимларни культурал суюқлик ва антибиотикларнинг - натив эритмалари билан ифлосланишига олыб келади. . : . . -

Антибиотикларни экстракциялаш ва чўктириш усўллари ёрдамида ажратиб олиш ва кимевий тбзалашдан ўтказиш жараёнларида ишчилар организми бу босқичда қўлланадиган бутил, изопропил ва метил спиртлари, бутилацетат, шовул, сирка, сульфат ва хлорқц кислоталари таъсирига учраши мумкин. Бу моддаларнинг ишчи ҳавосидаги концентрацияси аттрим ҳолларда рухсат этиладиган қийматлардан ортиб кетиш мумкин. Зарарли моддалар билан ишчи зонасй ҳавосининг ифлосланишига сабабчи бўладиган жараёнлар аппратларни ногерметй1слиги, қўл операциялариштаг мвжудлиги, шамоллатиш ускуналарининг паст самарада ишлаши хисобланади. >

Текширишларнинг кўрсатйшича, якуний босқичда антибиотикларни қуритиш, элаш, таблеткалаш, қадоқлаш ва идидшарга жойлашда атроф муҳит тайёр маҳсулотнинг кичик дисперсли чанглари билан ифлосланиши бйлан кузатилади. Бундан ташқари, тайёрлов цехлари, қуритиш, ферментациялаш бўлимларининг ишчилари кимёвий омилдан ташқари, бир вақтнинг ўзида теплоизоляцияси етарлича пухта бўлмаган инокуляторлар, ферментерлар, қурйтиш агрегатлари, ҳамда коммуникацион тармоқларининг 1Озасидан ортиқча иссиқлик таъсирига дучор бўладилар. -

Антибиотикларни ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишчиларнинг саломатлик ҳолатларини ўрганиш шундан далолат берадики, касбий зараряар

Мавзу: Ижтимоий экологиянинг минтаканий

муаммолари. Ишлаб чиқаришни кимёлаштиришда келиС

чикадиган экологик муаммолар. Цавом этиши: 2 соат.

Максад: Талабарларни экология Фани билан таништириш

РЕЖА:

1. Умумий экологиядан ижтимоий экологияга
2. Экологиянинг предмет ва вазифалари
3. Экологик омиллар ва уларни таснифлаш
4. Ижтимоий экологиянинг минтакавий муаммолари
5. Ижтимоий — экологик муаммоларнинг юзага келиш сабаблари
6. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий — экологик муаммолари
7. Кимёлаштириш воситаларидан фойдаланишнинг ижтимоий экологик муаммолари

Адабиетлар:

- 1) Ю.Шодиметов. ижтимоий экологияга кириш
 - 2) Тарбаев В.М. Экологический кризис, как кризис элементаризм,
 - 3) Тарасов К.Б. Черненко Е.К. Социальная детерминированность биологии человека.
- Экологиянинг ривожланиши табиатни ўрганиш ва тавсифлашдан бошланган. Бу француз Жан Анри

Фабер ўзининг машҳур «Энтомологик эсдаликлар» (1870-1879) асарини ёзган даврлар эди. Аслида экологиянинг чинакам ривожини айрим турлар яшайдиган муҳитни, уларнинг ўзаро муносабатларини, симбиозини (грекча — бирга яшаш), бошқа турлар билан муносабатларини ўрганишдан бошланган. Бу экологиянинг ривожига биринчи даврдир.

Экология ўз ривожининг учинчи даврида экотизимларнинг ўзаро таъсирини ўрганишга йўналтирилган бўлади. Энди экологик тизимларнинг ўзаро муносабатларини (алоқаларини) ўрганиш бошланди. Бу тадқиқотлар турли экотизимлар тўқнашадиган ёпиқ зоналарни ўрганишга йўналтирилган. Ер юзидаги барча экотизимлар биргаликда яхлит биосферани ташкил этади.

БиолҚ, экология инсоннинг биосферада тутган ўрнини ўрганар экан, экологик тизимлар ва Ердаги ҳаётнинг чексиз, хилма — хиллиги биосферанинг бир бутун эмаслигини намоён бўлиши эмас, балки органик Ҳаётнинг турли географик ва экологик шароитларда турлича эканлиги, яъни зонал, регионал вал оқал (маҳаллий) табақаланишининг ҳам инъикосидир. Экология инсоннинг биосферада тутган ўрнини ўрганар экан, унинг биосферага бўлган ўзига хос муносабатини ҳам ҳисобга олиши керак. Бу Ҳол инсоннинг ҳам табиий, ҳам ижтимоий ҳодиса эканлиги, яъни босоциал моҳиятидан келиб чиқади.

Аутэкология алоҳида организмни унинг атроф муҳит билан ўзаро алоқаларида тадқиқ этади, унинг ҳаёти ва ўзини қандай тутишини ўрганади. Аутэкологияда организм гўё тизимнинг бошқа компонентларидан ажратиб олинади, яъни тизимдан ташқарида ~ алоҳида кўриб чиқилади. Шундай қилиб, аутэкология алоҳида зотнинг муҳит билан ўзаро таъсирини ўрганади. Баъзан аутэкологияга кенгроқ қараб, унинг вазифасига бир турга мансуб алоҳида зотлар гуруҳини ўрганишни киритишади.

Бироқ бундай тадқиқот у ёки бу турнинг биологик хусусиятларини тушуниб олиш, унинг ўзгариб турадиган атроф муҳитда ўзини қандай тутиши ва миқдорини олдиндан айтил, бунинг устига уларни инсон манфаатлари нўлида бошқариш имконини бермайди.

Масалан, агар дарахт турларининг янгидан барпо этиладиган сунъий дарахтзорда муқаррар пайдо бўладиган бошқа ўсимликлар ва Ҳайвон турлари билан бўладиган барча ўзаро таъсирдан фойдаланилмас экан, ўрмонларни тиклашга доир ишларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Аммо бунинг учун мазкур ўсимликлар ва Ҳайвонларнинг барча хусусиятларини яхши билиб олиш даркор.

Организмлар гуруҳларини уларнинг диалекти бирлигида ва ўзаро алоқада ҳар томонлама ўрганиш синэкологиянинг мавзусидир.

Ҳозирда инсон ўз яшаш доирасининг кескин кенгайтирган: унинг қадами нафақат Ер теvarак — атрофидаги бўшлиқларга, балки узоқ фазо бўшлиқларига ҳам етиб борди.

Бу Ҳолат бутунлай Янги муаммоларни келтириб чиқарадики, улар тиббиёт экологияси билан яқиндан боғлиқ бўлган фазо антропоэкологиясини ўрганади. Саноат корхоналари шароитларида инсон ва машиналарнинг ўзаро муносабатлари мураккаб ва кўп тимсоллидир. Бу жойларда ўзига хос Ҳарорат, шовқин — сурон, титратиш, ёритилганлик ва бошқа шарт — шароитлар билан боғлиқ экологик омиллар пайдо бўлиб туради.

Юқорида келтирилган изоҳлар асосида ҳозирги замон экологиясининг асосий вазифаларини кўйидагича таърифлаш мумкин:

-Ҳаётнинг ташкил топиши қонуниятларини, шу жумладан табиат тизимлари ва умуман биосферага антропоген таъсир муносабати билан шу қонуниятларни тадқиқ этиш;

-биологиявий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш, инсон хўжалик фаолияти таъсири остида табиатда рўй берадиган ўзгаришларни олдиндан билиш, биосферада кечадиган жараёнларни бошқариш ва инсон яшайдиган муҳитни сақлаб қолиш;

- популяциялар миқдорини тартибга солиш;

- агросаноат комплексида кимёвий воситаларни энг кам қўллашни таъминлайдиган чоралар тизимини ишлаб чиқиш;

-у ёки бу таркибий қисмлар ва ландшафт элементлари хусусиятларини аниқлашда экологик индикациялаш, шу жумладан, табиий муҳит бўлганишини индикациялаш;

-бузилган табиий тизимларни тиклаш, шу жумладан, фойдаланишдан чиқариб ташланган қишлоқ хўжалик экин майдонларини Яна ишга солиш (рекультивация), яйловларни тинкаси қуриган тупроқ ҳосилдорлигини, сув ҳавзалари ва бошқа экотизимлар маҳсулдорлигини тиклаш;

биосферанинг эталон қолип майдонларини сақлаш (консервациялаш);

-муҳит сифатини сақлаш ва яхшилаш бўйича техникавий, Ҳуқуқий, таиққилий — бошқарув бўйича узоққа мўлжалланган тадбирлар мажмуини такомиллаштириш, бунинг пировард мақсади — аҳоли

саломатлиги даражасини, турмуши сифатини кўтариш, шунингдек ижтимоий — меҳнат қувватини (потенциалини) такомиллаштириш дир;

-якка-якка танлаш тизмини ташкил этиш, ўрганиш бўлмаган шароитларда иқлим — жўғрофий хусусиятларни Ҳисобга олган Ҳолда Янги ўзлаштирилган районларда, саноат ва аҳоли тўпланган (урбанизацияси)ни районларда ишлайдиган шахслар мослашуви (адаптацияси)ни тезлатувчи воситаларни ишлаб чиқиш:

-хавфли табиий воқеа — ҳодисалар ва техникавий мажмуалар аварияси натижасида одамлар нобуд бўлиши ва саломатлиги сусайиши йўллари ахтариб топишнинг олдини олиш;

-экологик онгни тарбиялаб, экология маданиятини яратиш, антропоэкология таълими тизимини шакллантириш ва оммавий ахборот воситалари ишини фаоллаштириш.

Экологик тизим ёки экотизим, шунингдек биогеоценозлар экологиянинг тадқиқот объектларидир. Экотизимнинг барча элементлари ҳам биотик, ҳам абиотик омиллар таъсиридадир. Бу жараёнлар муайян муҳит шароитларида рўй беради.

Экологик нуқтаи назардан муҳит ~ бу шундай табиий жисмлар ва ҳодисалар ~ ки, организм улар билан бевосита ёки бавосита муносабатда бўлади. Организмнинг атроф — муҳити ниҳоятда хилма — хил бўлади. У вақт ва маконда кўпдан — кўп Ҳаракатдаги элементлар, ҳодисалар, шарт — шароитлардан ташкил топадики, улар омиллар сифатида кўздан кечирилади.

Экологик омил — бу тирик организмларга, жуда бўлмаса лурнинг алоҳида ривожланиш даврининг бирида бевосита ёки бавосита таъсир ўтказишга қодир бўлган исталган муҳит

* *

шароитларидир. Уз навбатида организм махсус мослашиш — мувофиқлашиш орқали экологик омилга тахсир кўрсатади.

Экосистемаларнинг алоҳида элементлари ривожланишида қарама — қаршилиқлар юзага келадиган муайян минтақалар ёки минтақавий ижтимоий экосистемаларни қамраб олувчи ижтимоий — экологик муаммолар ижтимоий экологиянинг минтақавий муаммолари дейилади. Минтақавий ижтимоий — экологик муаммолар кенг миқёсли муаммолардан фаркли равишда минтақавий ижтимоий экосистемалар элементлари ва алоҳида минтақаларни қамраб олувчи муайян чегараларга эга.

Экологиянинг минтақавий муаммоларини ўрганиш турли минтақаларда инсоннинг ҳўжалик юритиш фаолияти натижасида юзага келган муҳитдаги табиий ва ижтимоий шароитларни умумлаштириб баҳолаш, нуқулай ижтимоий ~ экологий вазиятларнинг белгиларини аниқлашга имкон беради. Бундай баҳолаш учун табиий муҳт халқ ҳўжалиги, тегишли минтақадаги демографик ва ижтимоий — иқтисодий маҳлумотлар хусусида ката миқдордаги харитачилик, статистика ва ёзма адабиётдаги материаллардан фойдаланилади.

Экологик омилларнинг аста ~ секин кўпайиб бориши ижтимоий экосистемалар ижтимоий ривожланишида уйғунликни бузиб, уларнинг такланиш имкониятларини анча ёмонлаштириши мумкин. Бу ҳодиса табиий экосистемаларнинг қисман копланадиган Ҳолати дейилади.

Экологик системаларнинг ҳолати буткул издан чиқиб, уларнинг ривожланишида экосистема биотик элементлари ҳалокати ва ландшафтларнинг вайрон бўлишига олиб келувчи экостаз бузилиши қопланмайдиган деб таҳрифланади.

Умуман минтақадаги экологик вазият ҳозирги пайтда жуда мураккаблашди. Бунинг асосий сабабларидан бири табиий муҳитга Ҳаддан ташқари саноат, кишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва демографик зўриқиш тушмоқда.

Саноат ва кишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши Ҳар доим мос равишда табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари билан бирга олиб борилгани йўқ. Бунинг натижасида экологик мувозанат бузилди.

Бу айниқса кейинги ўн йилликда авж олди. Табиат қонунлари кўпол равишда бузилди. Чекланган воҳа участкаларида ўнлаю экологик жиҳатдан зарарли кимёвий ишлаб чиқариш иншоотлари қурилди. Улар масулотининг аксарияти хом Ашё сифатида республика ташқарисига олиб чиқиб кетилди. Аҳолига заҳарланган Ҳаво, ер ва сувдан ташқари ҳеч нима қолдирилмади.

^

Бугунги кунда Ўзбекистон йирик саноат ва аграр минтақа бўлиб, келажакда машинасозлик, энергетика, Киме, газ, қурилиш ва озиқ-овқат саноати, транспорт мажмуини янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Ҳолбуки, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожлантирилиши республика ижтимоий

экосистемасининг ҳолатига муайян даражада салбий тахсир кўрсатади. Республикада кескин бўлиб турган экологик ва табиатни муҳофаза қилишга оид муаммолар қуйидагилардир:

1. Иирик худудий — саноат мажмулари жойлашган районларда (Ангрен-Олмалик — Чирчик, Фргона — Марғилон, Навоий ва Ҳоказо) табиатни муҳофаза қилиш муаммолари;
2. Орол ва Оробўйи муаммолари, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан мақбул тарзда фойдаланиш;
3. Агросаноат мажмуидаги экологик муаммолар;
4. Табиатдаги сувларнинг саноат чиқиндилари, пестицидлар ва минера ўғитлар билан ифлосланиши;

5. Усимлик ва Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш муаммолари, кўриқхоналар ва миллий боғлар тармоғини кенгайтириш.

Яқин пайтларгача пестицидлар (инсектицид ва лбошқа зооцит, фунгицид ва гербицидлар) муаммоси соф қишлоқ хўжалик масаласи деб қараларди. Энди аёнки, у кенг миқёсли бутунжаҳон экологик муаммолар каторидан жой олди. Негаки, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси Айни пайтда соғлиқни муҳофаза қилиш,

Ҳайвонот ва наботот дунёсини қўриқлаш, умуман биосферанинг уйғун эволюцисини билан боғлиқдир. Бу Айни чоғда сиёсий масала ҳамдир.

Урта Осиё минтақасидаги салбий ижтимоий — экологик шароитнинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалигида кимсвий воситаларни ҳаддан ортиқ ишлатиш, технологик интизомнинг пастлиги ва инсон саломатлиги учун хавфли бўлган кимёвий дориворлардан фойдаланишни тегишли назорат қилмаликдир.

Бу дориворларни кўмиб зарарсизлантириш масалалари қониқарсиз ҳал этилди. Қайд этилган миқдордан атиги 3 минг тоннаси кўмиб зарарсизлантирилди. Бу иш экологик талаблар, қурилиш қонун — қоидалари қўпол равишда бузилгани ҳолда амалга оширилди. Баъзи вилоятларда эса ҳисоб — китоб ишларининг йўқлиги сабабли қўмилган пестицидларнинг миқдори ва хавфлилик даражаси белгиланмаган, заҳарли моддадал қўмилган жойлар ва экологик шароит устидан назорат қилинмаяпти.

Атроф муҳитнинг пестицидлар, гербицидлар, дефолиантлар ва Ҳоказолар билан ифлосланиши оқибатларини ўрганиш Ҳозир энг муҳим экологик муаммо бўлиб турибди. Атроф — муҳитни муҳофаза қилишда жуда соф пестицидлар, шунингдек инсон ва жониворлар учун хавфли дориворларни қўллаш ҳажмларини имкони борича камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан яқин вақтлар ичида пестицидлар билан ифлосланишга қарши зудлик билан чоралар кўрилишини тақозо этадиган туманлар ва вилоятларни аниқлаш керак. Шунинг учун пестицидлар қолдиқлари билан алоҳида минтақарнинг ифлосланишини аниқлайдиган методикалар зарур.

Саноат корхоналаридан атмосфера хавосига чиқадиган ҳар (хил булғовчи нарсалар билан бирга ҳар йили чанг, олтингугурт икки оксиди, углерод оксиди, азот оксиди, углеводородлар, аммиак, водород билан олтингугурт бирикмаси, фторли бирикмалар, ишкорлар, бензопирен ва бошқа зарарли моддалар чиқадики, уларнинг умумий миқдори 1 млн. 305 минг тоннага боради.

1990 йил охиридаги маълумот республикада болалар ўлими юқорилигича қолаётганини, собиқ Иттифокдаги кўрсаткичдан икки марта кўп эканлигини кўрсатган эди. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида гўдакларнинг nobуд бўлиши айниқса юқори.

Нитратлар озик-овқат маҳсулотлари ва сув билан бирга организмга кириб олиб, ошқозон-ичак микрофлораси нитредунтази таъсирида нитратларгача тикланади, нитратлар қонга шимилиб ва гемоглобин билан қўшилиб, хаво очик (хужайра гипоксиясининг ривожланишига кўмаклашиб), метгемоглобин ҳосил қилади. Бир кеча-кундузда организмга одам танаси вазнининг 5 мг/кг дозасидан ортиқ нитрат кирса, организмда хужайра гипоксияси билан бирга метгемоглобинемия ривожланади. 1990 йилда эса Ўзбекистонда яшовчилар организмга бир кеча-кундузда кирган нитрат тана вазнининг 10 мг/кг мидан ортиқ булган.

Бугунги кунда равшанки, фан-техника тараққиёти яқин стикболда ҳар хил ижтимоий шароитларда амалга оширилади. Шу билан бирга, фан-техника инқилобининг оқибатлари куп жихатдан барча мамлакатлар учун умумийдир, атроф-муҳитни мудофазалаш, илмий асосланган экология сиёсатини ишлаб чиқиш муаммоларини ҳал этишга умуминсоний ёндашувни талаб қилади. Экологик сиёсат дейилганда давлатларнинг «табиат-жамият» тизимидаги узаро муносабатларни тартибга солишни энг қулай ва самарали амалга оширишга йуналтирилган фаолиятини тушунмоқ лозим. Турли ижтимоий тизимларда табиат ва жамият ўзаро алоқаларининг қонуниятлари, шароитлари ва шаклланиши, шунингдек ўзаро алоқаларни

қулайлаштириш ва уларни бошқаришни ўрганадиган сиёсий экология бундай сиёсатнинг илмий-услубий базаси ҳисобланади. Экологик сиёсатни ишлаб чиқишда у ҳозирги замон билимлари барча тармоқларининг вакиллари катнашадилар. Мазкур сиёсат давлатнинг бошқарувга доир қарорларида ўзининг жамланган ифодасини топади.

Мавзу: Овқатланиш гигиенаси. Экологик ва тоза маҳсулотларни истеъмол қилиш аҳоли саломатлиги гарови
Давом этиши: 2 соат
Мақсад: Тўғри овқатланиш. Нотўғри овқатланишдан келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш.

Режа:

1. Рационал овқатланиш ва уни ташкил этишга қўйилган асосий тамоиллар.
2. Балансли овқатланиш.
3. Овқатланишнинг физиологик аҳамияти. Овқатланишда айрим озуқа моддаларнинг тутган ўрни.
4. Таклиф қилинганяқдордаги овқат маҳсулотлари ва энергиянинг физиологик талаби.
5. Витаминларнинг организмдаги биологик ўрни.
6. Овқатланиш адекватлиги ҳақида тушунча.

Адабиётлар.

1. А.М.Большаков "Умумий гигиена".
2. С.С.Солихўжаев Тигиена"
3. А.А. Миних "Умумий гигиена"
4. Е.Е.Саркисянс Тигиена билан соғлиқни сақлашни ташкил қилиш асослари".

Овқатланишнинг умумий гигиенаси.

